БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 279 (17.561). • 5 декабрь 1979 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҲОСИЛНИНГ БИР МИСҚОЛИ ҲАМ ЕРДА ҚОЛМАСИН!

◆ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИДА УЮШҚОҚЛИК НАМУНАЛАРИНИ ҚЎРСАТИБ, ПЛАН ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ОШИРИБ БАЖАРГАН ВА ШУ ҚУНЛАРДА ДАЛАДАГИ ҲОСИЛНИ СЎНГГИ ГРАММЛАРИГАЧА ҲАМ ТЕРИБ ОЛАЁТГАН ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

◆ ҲОСИЛИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИНГАН МАЙДОНЛАРНИ ПЕШМА-ПЕШ ҒУЗАПОЯДАН ТОЗАЛАБ, ДАРҲОЛ ШУДГОРЛАШГА КИРИШАЙЛИК

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИШИ

Шу кунларда совет кишилари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларидан, СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида қабул қилинган ҳужжатлардан чуқур илҳомланиб яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Партия комитетлари, давлат ва хўжалик органлари, касаба союзлари ва комсомол учун жанговар ҳаракат программаси белгиланди. Бу программа беш йилликнинг якуловчи йилида Олий Совет тасдиқлаган Давлат планини муваффақиятли адо этишга, партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатига доир масалалар юзасидан КПСС XXV съездининг йўл-йўриқларини бажаришга қаратилган.

Олдимизда катта ва мураккаб ишлар турибди. Муваффақиятларга эришиш учун партия ташкилотлари саноат корхоналарида, қурилиш ва транспортда, колхоз ва совхозларда, илмий муассасаларда сиёсий ва ташкилотчилик ишларини тинмай такомиллаштиришлари керак. Ҳозирги вақтда омманинг меҳнат активлигини ҳамма чоралар билан ривожлантириш, уюшқоқликни ва интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун, экономикани, фан ва маданиятни, халқ фаровонлигини янада юксалтириш учун кадрларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтиришдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Қабул қилинган қарорларни, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни амалга ошириш йўллари ва усуллари ҳамма жойда партия комитетлари пленумларида, активларнинг йиғилишларида муҳокама қилинади. Муҳокама талабчанлик, амалий тарзда ўтишига, белгиланган тадбирларнинг эса ғоят конкрет бўлиб, партия Марказий Комитети томонидан қўйилган вазифаларнинг мазмунига ва руҳига тамомила мувофиқ бўлишига эришиш керак.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси материалларининг мазмуни ва аҳамиятини чуқур тушунтириш — қилинадиган ишларнинг биринчи навбатдаги ва ғоят масъулиятли қисмидир. Сиёсий ва иқтисодий ўқув системасидаги машғулотларда докладчилар, сиёсий ахборотчилар ва агитаторларнинг нутқларида матбуот, телевидение ва радио материалларида ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир киши қилган ишларнинг миқёсини ва келгуси ишларнинг кўлами ва мураккаблигини, ягона сафдаги умумий ишда ўз ўрнини равшан кўра олишига эришиш муҳимдир. Дабдабабозлик ва шов-шувлар, В. И. Ленин айтганидек, «сиёсий вайсақилик» эса бу ишга тамомила хилоф ҳаракатдир. Эътиқодлилик, ошкоралик, далиллар билан исботлаш кишилар билан ишлашда муваффақиятларга эришишнинг ажралмас омилларидир.

«Партия пропагандаси, партия агитацияси, деб уқтириб ўтди ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитет Пленумида сўзлаган нутқида, — максимал равишда аниқ бўлиши, одамларни тўлқинлантираётган ҳамма саволларга ишонарли тарзда, ишни билган ҳолда жавоб бериш керак. Мана шундагина партиянинг сўзи ўн миллионлаб коммунистлар ва партиясизларнинг меҳнатдаги ташаббускорлигида, меҳнатдаги куч-ғайратида мужассамлашиши мумкин.

Пленум транспортни, айниқса темир йўл транспортини, ёқилғи, хом ашё базаси ва энергетиканы, металлургия ва машинасозликни, химияни ва аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни, капитал қурилишни ва озиқ-овқат комплексини куч-ғайрат сарфланадиган асосий нуқталар, деб аниқ белгилаб берди. Шу участкаларнинг ҳар бирида олға қараб муваффақият билан ҳаракат қилиш учун битмас-туганмас имкониятлар, жуда катта резервлар бор. Партия ташкилотлари шу имкониятлардан ўз вақтида ва самарали фойдаланишлари, халқ хўжалигини бошқаришнинг юксак даражада бўлишини таъминлаш учун биринчи навбатда ғамхўрлик қилишлари керак. Бунинг учун планларимизнинг кучини заифлаштирадиган бўшашувчилик, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик каби салбий ҳолатлар билан, эгасизлик ва бировга орқа қилиш, масъулиятсизлик ва ландавурлик билан қатъий кураш олиб бориш керак.

Хўжалик юритиш миқёслари ғоят ўсган, иқтисодий ўзаро алоқалар тобора мураккаблашиб, қуюқлашиб ва кенг тармоқ ёйган бир шароитда ҳамма жойда интизомни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш керак. Интизомни албатта сўздагина мустаҳкамлаш керак эмас. Эндиликда ҳар бир партия комитетидан биринчи навбатда қунт билан, доимий ташкилотчилик ишларини олиб бориш, ижрони аниқ текшириш, кадрлар билан пухта, чуқур ўйлаб иш кўриш, қўйидан бўладиган ташаббусни — колхозлар ва совхозларнинг, корхоналар ва бирлашмаларнинг, маҳаллий органларнинг ташаббусларини ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Сифат кўрсаткичларига асосланган социалистик мусобақани ҳамма чоралар билан ривожлантириш, илғор тажрибани қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, моддий ва молиявий ресурсларни тежаб-тергашни изчиллик билан ўтказиш, меҳнат интизомини бузиш билан, ландавурлик ва бошбоқсизлик билан шафқатсиз кураш олиб бориш ҳозирги вазифалар нуқтаи назаридан қараганда ташкилий, оммавий-сиёсий, идеологик ишларнинг асосий йўналишлари бўлиб қолмоқда. Бу курашда меҳнат коллективларининг роли тобора ошмоқда. Уларнинг ҳуқуқларини ҳамма чоралар билан кенгайтириш керак.

СССР Олий Советининг иккинчи сессияси бир қанча муҳим қонунларни — халқ контроли, олий суд, прокуратура, арбитраж, адвокатура тўғрисидаги қонунларни қабул қилди. Мамлакатда қонунларни ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга ёрдам берувчи бу қонунлар хўжалик механизмимизнинг муваффақиятли ишлаш масалаларига ҳам бевосита алоқадордир. Янги қонунларнинг мазмунини, чуқур демократизм руҳида эканлигини ҳамма жойда оммага тушунтириш, шу қонунларнинг амалга оширилишига актив ёрдам бериш, совет социалистик ҳуқуқ-тартиботидан салгина бўлса ҳам чекинишларга қарши курашга кишиларни отлантириш—партия органларининг, коммунистларнинг бурчидир.

Мамлакатнинг меҳнат коллективлари шу кунларда бутун кучларини беш йиллик тўртинчи йили планларини муносиб бажаришга бағишламоқдалар. Беш йилликнинг тўртинчи йилидан кейин яқунловчи йил — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги, партия XXVI съездига актив тайёргарлик йили бошланади. Келгуси йилда муваффақиятли ишлаш учун халқ хўжалигининг ҳамма участкаларида, ҳар бир ишлаб чиқариш ячейкасида юксак талабчанлик, уюшқоқлик, ишга ижодий ёндашиш вазиятни вужудга келтириш зарур. Барча партия комитетларининг, бир ярим миллион бошланғич партия ташкилоти ва партия группаларининг, шунингдек Советлар, касаба союзлари, комсомолнинг куч-ғайрати мана шунга қаратилиши лозим.

Шубҳа йўқки, Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари жонажон партиянинг синалган раҳбарлигида 1980 йилни зарбдор ишлар йилига, ленинча ишлаш йилига айлантирадилар.

(«Правда»нинг 4 декабрдаги бош мақоласи).

Республика матбуот маркази хабар қилади:

ОЛТИН ҚЎЛЛАР ЖАСОРАТИ

НАРПАЙЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Самарқанд область Нарпай райони деҳқонлари пахта тайёрлаш давлат планининг бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Ватан омборларига 50500 тоннадан кўпроқ пахта тўкилди. Ҳосилнинг 77 процанти машиналарда терилди.

Бу меҳнат ғалабасига ҳар бири 9 минг тоннадан «оқ олтин» топирган «Иттифоқ» ва Ислом шоир номли колхозлар катта улуш қўшдилар. Ленин номли бирлашмадан Усмон Эшназаров, «Москва» колхозидан Норбўта Бойсариев ўртоқлар бошлиқ илғор бригадалар ҳар гектар майдондан 50 центнердан хирмон кўтаришди.

● ИККИ КОЛХОЗ РАПОРТИ

Каттақўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоз қабул пунктларига 5211 тонна «оқ олтин» етказиб берди, йиллик планини муваффақиятли адо этди.

Пастдарғом районидаги Калинин номли колхоз ҳам давлатга пахта топшириш йиллик планини уддалади. Ҳар гектар ердан 33,5 центнердан дурдона йиғиштириб олинди, тайёрлов пунктига 3640 тонна хом ашё етказиб берилди.

● ДЕПУТАТ ИБРАТИ

Самарқанд область, Нарпай районидаги Ислом шоир номли колхознинг механик-ҳайдовчиси, СССР Олий Советининг депутати Усмон Мамадиёров областда машина теримида энг юксак кўрсаткичга эришди. У машина бункеридан 570 тониадан знёдроқ «оқ олтин» бўшатди.

● ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР АРМУҒОНИ

Фарғона областидан яна бир хушхабар келди. Ленинград райони меҳнаткашлари пахта планининг бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 33 центнерни ташкил этди. Давлатга 41,5 минг тонна «оқ олтин» армуғон этилди.

● АНДИЖОНДА ҒАЙРАТ ЗЎР

Ёмғир ёғиб турганлигига қарамасдан, Андижон области далаларида 4 декабрда 173 та кўсак териш машинаси, 845 та кўрак чувиш агрегати ишлатилди. Бир кунда 1300 тонна пахта тайёрланди.

Ленин районидаги «Победа» колхози пахта топшириш бўйича белгиланган планни уддалади. Гектар бошига 37,5 центнердан дурдона йиғиштириб олинди.

Ортиғали Ҳамидов ва Маҳмуджон Иброҳимов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Мирзаали Абдуллаев, Ҳодиржон Бакиров ва Маҳмуджон Иброҳимов каби механик-ҳайдовчилар бункерлардан 150—180 тонна дур-жавоҳир бўшатишди.

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

НАМАНГАН, 4 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун Наманган область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари партия, совет органлари, касаба союз, комсомол ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларини бажариш борасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда хўжалик фаолиятига раҳбарлик ишининг аҳволи ҳар томонлама анализ қилинди. уни яхшилаш, резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва бутун иш сифатини оширишга қаратилган амалий чоралар белгиланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. (ЎзТАГ).

ТУРКМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ТУРКМАНИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
ТУРКМАНИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА
ТУКМАНИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИ, ОЛИМЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ХОДИМЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Туркманистон ССР қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари давлатга пахта, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва пилла сотиш юзасидан 1979 йилги план ҳамда социалистик мажбуриятларини ошириб бажарганликлари тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетида чуқур мамнуният билан кутиб олинди.

Республика 1 миллион 206 минг тонна пахта, шу жумладан 259 минг тонна ингичка толали пахта тайёрлади. Давлатга бу қимматли хом ашё рекорд миқдорда сотилди. Сизларнинг партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини бажариш соҳасида эришган муваффақиятларингиз партия аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлиги, пахтакорлар, барча деҳқонларнинг фидокорона меҳнати республика партия ташкилотининг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасидир.

КПСС Марказий Комитети Туркманистон ССР колхозчиларини, совхоз ишчилари, хўжаликларининг раҳбарлари ва мутахассисларини, қишлоқ хўжалиги, тайёрлаш сув хўжалиги, транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари ва ўқув юртлари коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари ходимларини, барча меҳнаткашларини меҳнатда эришилган шу катта ютуқ билан қизғин табриклайди.

КПСС Марказий Комитети республика деҳқонлари давлатнинг тобора катта ёрдамига таяниб, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун янада зўр сабот билан курашаверадилар, пахта, айниқса ингичка толали пахта етиштириш суръатларини ошириб, суғориладиган ҳар гектар ер самарасини кўпайтираверадилар ва шу асосда ҳамма хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни янада ўстиришга эришадилар, деб ишонч билдиради.

Л. БРЕЖНЕВ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

СОФИЯДАГИ УЧРАШУВЛАР

СОФИЯ, 3 декабрь. (ТАСС). Бугун шу ерда БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари БХР Давлат Кенгаши Раиси Т. Живков БКП Марказий Комитети таклифига биноан дўстона визит билан БХР га келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненко билан учрашди.

Т. Живков билан К. У. Черненко коммунистик ва социалистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда КПСС билан БКПнинг фаолияти тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Совет-Болгария ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир бир қанча масалаларни, шунингдек муҳим халқаро проблемаларни қараб чиқдилар. Тинчлик учун, қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш учун курашда Совет Иттифоқининг қўйган янги тарихий қадами ғоят муҳим эканлиги уқтириб ўтилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Берлинда сўзлаган нутқида Совет Иттифоқининг шу ташаббусларини баён қилди.

Суҳбат самимий ва дўстона руҳда ўтди.

• • •

Шу куни К. У. Черненко билан Болгария Коммунистик партияси раҳбарлиги аъзолари учрашдилар. Учрашувда Т. Живков БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлар, БКП Марказий Комитети секретарлари иштирок этдилар.

Учрашув давомида иккала мамлакат партиялари ва халқлари ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ҳамда ривожлантириш масалалари қараб чиқилди.

К. У. Черненко шарафига Т. Живков номидан знёфат берилди.

«ЭКОНОМИКА И ЖИЗНЬ» ЖУРНАЛИ—60 ЁШДА

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг ойлик иқтисодий журнали «Экономика и жизнь» олтмиш йилдан бери чиқмоқда. 4 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтга тантанали йиғилиш журналнинг юбилейига бағишланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг Раиси Қ. А. Аҳмедов йиғилишни очди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев йиғилиш аҳлининг қарсаклари остида журналга «Ҳурмат Белгиси» орденини топширди. Журнал партиянинг иқтисодий сиёсатини пропаганда қилишдаги самарали ишлари, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун шу орденга сазовор бўлганди. Журнал редакциясининг бир группа ходимларига республикада хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ҳамда кўкракка такиладиган тегишли нишонлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

«Экономика и жизнь» журналининг бош редактори Н. П. Ковинев ижодий коллектив босиб ўтган йўл тўғрисида, бу коллективнинг ҳал этаётган вазифалари ҳақида гапириб берди.

Мажлисда сўзга чиққан экономистлар, турли матбуот органларининг вакиллари журнал коллективига янги-янги муваффақиятлар тиладилар. Юбиляр номига келган табрик телеграммалари ўқиб эшитдирилди.

(ЎзТАГ).

Сўз—марраданг ўзганларга

БУРЧГА САДОҚАТ

КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашаётган районимиз пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини шараф билан адо этдилар. Давлат тайёрлов пунктларига бугунгача салкам 60 минг тонна Боёвут «оқ олтин»и топширилди. Районимиз бўйича ҳар гектар ердан олинган ҳосил 30 центнерни ташкил этди.

1979 йил пахтачиликни комплекс механизациялашда катта зафарларга эришилган йил деб аташ мумкин. Азамат механизаторларимиз чигит экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини машиналар ёрдамида бажардилар. Терим мавсуми бошлангач, айниқса, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Районимиз бўйича тайёрланган ялпи пахтанинг 31 минг 500 тоннаси «зангори кема»ларда териб олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаати пахтакорларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди. Ундаги «Ватан биздан пахта теримида жасорат кўрсатишимизни кутмоқда. Вазият бениҳоя уюшқоқликни, жамоа кучимизни ишга солишни талаб қилмоқда. Бинобарин, қўлидан иш келадиган, экиш тутишга қодир бўлган ҳар бир киши бугун «оқ олтин» теримчилари сафида туриши керак. Ҳар бир кишининг бурчи, виждони, ор-номуси унинг умумхалқ ишидан — беш йилликнинг ҳал қилувчи йили мўл ҳосили учун бошланган жангдан четда қолишига йўл қўймайди. Зўр унум билан ишлайлик!» — деган илҳомбахш сўзлар колхозчилар, совхоз ишчилари, ҳашарчиларнинг қалбидан чуқур жой олди, янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди. Бугун унинг натижасини кўриб турибмиз.

Ленин номли колхозимиз районда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекди. Колхоз меҳнат аҳли қийин шароитда гектаридан 32 центнердан знёд пахта хирмони кўтарди. Пушкин номли совхоз азаматлари эл хирмонига 14 ярим минг тоннадан кўпроқ пахта топшириб, катта муваффақиятга эришдилар, эндиликда 15 минг тонналик маррани эгаллаш учун астойдил курашмоқдалар.

Халқ хўжалик планини шараф билан уддалаган Руқия номли совхоз юксак социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётганига анча бўлди. «Боёвут», «Ғалаба» совхозлари, «Коммунизм», «Ленинизм» колхозлари пахтакорлари ҳам ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Районимизнинг бу йилги пахтаси халқ меҳнати, жасоратининг тимсоли, партия ташкилотлари изчиллик билан амалга оширган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларнинг илк самарасидир. Пахтакорларимиз баҳор фаслида қарийб юз кун давомида табиат инжиқликлари туфайли юз берган қийинчиликларни бошдан кечирганларини айтиб ўтиш кифоя.

Номи кўпчиликка таниш бўлган доигдор пахтакорларимиз бу йил ҳам йиғим-теримни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказдилар, гектаридан 50 центнерга етказиб ҳосил олиб, ўзига хос тажриба мактаби яратдилар. Булар орасида Т. Холматов, А. Бойзоқов, Х. Худойбердиев, И. Яров, Т. Шокиров, У. Жабборов ва бошқа ўнлаб илғор бригадалар бошлиқлари бор. Район партия ва совет ташкилотлари пахта усталарининг бу йилги бой тажрибаларини келаси йили ҳамманинг мулкига айлантириш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўради.

Районимизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига ҳар бири бункерлардан 200—250 тоннадан дурдона тўкиб, катта ҳисса қўшган ажойиб механизаторларимизнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. СССР Давлат мукофотининг лауреати А. Сайитмуродов, К. Жуманов, Э. Знёбоев, Р. Жўраев, Э. Умаров, Ғ. Каримов, Ю. Эгамбердиевлар катта карвонга моҳирлик билан карвонбошилик қилдилар. Улар шу кунларда тўкилган пахтани терадиган, кўсак узадиган, кўсак чувийдиган агрегатларни юқори унум билан ишлатмоқдалар.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, пахтакорларимиз сингари ғаллакорларимиз, пиллакорларимиз, чорвадорларимиз ва бошқа тармоқларнинг коллективлари ҳам хўжалик йилини ҳар қачонгидан яхшироқ кўрсаткичлар билан якунлаш, ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун қизғин курош олиб бормоқдалар Районимиз давлатга дон, пилла, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари сотиш планларини ҳам анча ошириб бажарди. Чорвадорларимиз ўзларининг шарафли бурчларини бажариш арафасида туришибди.

Меҳнатимиз билан етиштирилган пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан тезкорлик билан йиғиб-териб олиш ва давлат тайёрлов пунктларига етказиб беришни ўзимизнинг пахтакорлик бурчимиз деб биламиз. Районимиз бўйича ялпи ҳосилни 61 минг тоннага етказиб, республикамизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшамиз.

Шу кунларда йиғим-терим конвейер усулида олиб борилянти. Ҳар тупда қолган ҳосил охирги чаноғигача йиғиштириб олиниб, ерлар кузги шудгорлашга тахт қилинянти. Азамат механизаторларимиз ер ҳайдаш тракторларини мавсумга шайлаб қўйдилар. Чорвадорларимиз эса чорва қишловига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

С. ТУХЛИЕВ,
Боёвут район партия комитетининг биринчи секретари.

А. А. ГРОМИКО БЕРЛИНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг мажлисида қатнашмоқ учун 4 декабрь куни Москвадан Берлинга жўнаб кетди.

Аэродромда унн КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ю. В. Андропов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Берлинда А. А. Громикони ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер кутиб олди. (ТАСС).

ТУҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўнинчи сессияси шу йил 7 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 6 декабрда эрталаб соат 10.00 дан 19.00 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида; 7 декабрда эрталаб соат 9.00 дан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мажлислар залида рўйхатга олинади.

ТЎРТ ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Самарқанд области саноат корхоналарининг коллективлари саноат маҳсулоти кўпчилик турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тўрт йиллик планини 1979 йил 3 декабрь куни муддатидан илгари бажардилар.

Саноат ходимлари КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси қарорларидан руҳланиб, йил охиригача ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили планига қўшимча равишда 100 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОСТАВИДА ЯНГИ РАЙОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш истиқболларини эътиборга олиб ҳамда халқ хўжалигига раҳбарликни янада кучайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида қарор қилади:

Халқ депутатлари Жиззах ва Сурхондарё область Советлари ижроия комитетларининг илтимосномаси кондирилсин — Ўзбекистон ССР составида қуйидаги районлар ташкил этилсин:

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИДА

Маркази Зарбдор аҳоли пункти бўлган Зарбдор райони.

Жиззах районидаги Бўстон шаҳар посёлкаси ва Ленин номли қишлоқ Зомин районидаги Ударник ва Янгиҳаёт қишлоклари Зарбдор райони составига берилсин;

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДА

Маркази Ангор аҳоли пункти бўлган Ангор райони.

Термиз районидаги Ангор, Навоий номли, Октябрь (Ленин номли колхознинг ердан фойдаланиш чегараларидаги территориялар ва Учқизил аҳоли пункти бундан мустасно), Толимарон, Янгиобод қишлоқлари ҳамда Қарқўрғон районидаги Ленин йўли қишлоғининг «Ленин йўли» совхози ердан фойдаланадиган чегараларидаги территориянинг бир қисми Ангор райони составига берилсин.

Термиз районининг маъмурий маркази Ангор аҳоли пунктидан Учқизил аҳоли пунктига кўчирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

Тошкент шаҳри.
1979 йил 4 декабрь.

РАСМИЙ АХБОРОТ

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1981—1985 йилларда нордон тупроқни оҳаклашни таъминлаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда таъкидлаб ўтилишича, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари кейинги йилларда нордон тупроқни оҳаклаш юзасидан ана шу ерларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирларни кенг кўламда амалга оширмоқдалар. Бу иш Белоруссия ССР, Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССРда яхши уюштирилган. Бу эса мазкур республикаларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини анча оширишга ёрдам беради.

Шу билан бирга РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси ва Узоқ Шарқнинг бир қанча районларида нордон тупроқ майдонлари кўп бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалиги оҳак материаллар билан етарли таъминланмаганлиги орқасида уларни оҳаклаш соҳасидаги ишлар кечикиб қолмоқда. Бунинг натижасида ана шу районларда нордон тупроқ майдонлари қисқармаётир, минерал ўғитларни ишлатишдан олинаётган самара жуда кам. СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва бошқа бир қанча министрликлар ҳамда идоралар оҳак материаллар ишлаб чиқариш, шунингдек ана шу маҳсулотни тайёрловчи корхоналар ва цехларни қуриш ҳамда ишга туширишга юзасидан ўзларига белгилаб берилган топшириқларнинг бажарилишини таъминламадилар. Айрим иттифоқдош республикаларда оҳак материалларни сақлаш учун омборлар қурилиши етарли сурьатлар билан амалга оширилмаётир. Бу ҳол ана шу материалларнинг кўп миқдорда нобуд қилинишига ҳамда уларнинг сифати пасайиб кетишига сабаб бўляпти.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, тегишли иттифоқдош республикаларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига колхоз, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида нордон тупроқни оҳаклаш билан боғлиқ ишларнинг мутлақо равишда ўтказилишини таъминлашни, илмий муассасаларнинг тавсияларига асосан оҳак материалларнинг ҳамма турларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишни, ташиш, сақлаш ва тупроққа чиқариб солиш вақтида уларнинг нобуд бўлишини қисқартиришни таъминлашни, бу ишда хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларнинг, агрохимия хизмати ва транспорт ташкилотлари ходимларининг жавобгарлигини оширишни топширдилар.

СССРнинг бир қанча министрликлари ва идораларига 1981—1985 йилларда оҳак ва доломит талқонини, саноатда таркибида оҳак бўлган чиқиндиларни ва маҳаллий оҳак материалларни ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалигига етказиб беришни таъминлаш, Темир йўл министрлигига эса ана шу материалларни ташиб бериш юзасидан топшириқлар белгиланди.

Оҳак материалларни сақлаш учун механизациялаштирилган омборлар қуриш, оҳак ва доломит талқонини ишлаб чиқарадиган корхона ва цехларни қуриш ҳамда кенгайтириш юзасидан топшириқлар ҳам белгиланди. СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига мамлакатда нордон тупроқни оҳаклаш учун фойдаланиладиган ана шу талқонни ишлаб чиқариш соҳасида ягона техникавий сиёсатни амалга ошириш вазифаси юкланди.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

СССР Министрлар Совети қурилаётган, кенгайтирилаётган ва реконструкция қилинаётган корхоналарда ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотнинг техника даражаси ва сифати устидан контролни кучайтириш чоралари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди.

СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари янги корхоналарни қуриш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишда ушбу корхоналарда ишлаб чиқишга мўлжалланаётган маҳсулот ўзининг техника даражаси ва сифат жиҳатидан Ватанимиз ва чет эллардаги энг яхши намуналаргa мувофиқ келмоғи ёки ундан устун бўлмоғи кераклигига асосланишга мажбурдирлар. Шу маҳсулот истеъмолчи ташкилотларнинг (зарур ҳолларда СССР Давлат министрлигининг ҳам) вакиллари, шунингдек тегишли маҳсулотнинг техникавий даражаси учун масъул министрликларнинг вакиллари экспертизада қатнашишга жалб этилиши лозим. Бошқарувнинг тармоқ автоматлаштирилган иш системалари составида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техника даражаси ва сифати устидан контрол қилувчи кичик система фойдаланишга қўйилмоғи керак. Бу система маҳсулотни Ватанимиз ва чет эллардаги энг яхши намуналар билан таққослаш имкониятини таъминлайди.

МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда бадиий-тарихий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган ёки бошқача маданий қимматга эга бўлган санъат асарлари ва кўҳна буюмларни Қонунга зиллоф равишда СССР чегарасидан олиб чиқиб кетишга йўл қўймаслик чораларини кучайтириш мақсадларида СССР Министрлар Совети ушбу масала юзасидан қарор қабул қилди.

СССР Маданият министрлиги ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ишлаб турган черковлардаги диний бирлашмалар ёки диний ибодатлар қилинадиган бошқа жойлар мулки бўлган ёки улар фойдаланиб турадиган, шунингдек коллекциячилар ва бошқа гражданларнинг шахсий мулки бўлган бадиий-тарихий ёки бошқача маданий бойликларни аниқлаш ва уларни рўйхатга олиш ишини ташкил қилиш, музейлар, санъат галереялари ва бошқа жойларда сақланиш шароитларини яхшилаш чораларини кўриш, бу ишда контролни кучайтириш таклиф этилди. Иттифоқдош республикаларнинг бюджетларида шу бойликларни консервация қилиш ва реставрация этиш учун зарур маблағлар кўзда тутилмоғи лозим.

Давлат маданият органлари ихтиёрида бўлган музейлар ва бошқа сақлаш жойлари ҳузурида гражданларга қарашли ва маданий аҳамиятга эга бўлган коллекциялар ва айрим буюмларни сақлашда уларга ҳизмат кўрсатиш учун махсус ускуналанган ҳоналар вужудга келтирилади. Москва, Ленинградда, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, бошқа йирик шаҳарларда доимий ишлайдиган бадиий салон-виставкалар ташкил этилмоғи лозим. Улар зиммасига СССР музей фондини комплектлаш учун аҳолидан расм, ҳайкал, графика, декоратив-амалий санъат асарлари ҳамда антиквариат ашёларини харид этиш вазифаси, маданий қимматга эга бўлган ашёларни комиссион асосда сотиш, совет рассомларидан санъат асарларини сотиб олиб, СССРда ва чет мамлакатларда шу асарларни сотиш бадиий виставкаларини ўтказиш вазифаси юклатилади.

Қарорда маданий бойликларни Қонунга зиллоф равишда СССР чегарасидан ташқарига олиб чиқиб кетишга йўл қўймаслик, шунингдек музейлар, бадиий галереялар ва маданий бойликлар сақланадиган бошқа жойларни муҳофаза қилишни кучайтириш борасида бир қанча чоралар кўзда тутилган.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

СССР ҳукумати илмий ва илмий-техникавий тадқиқотларни бажаришда, шу тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишда лойиҳа, қурилиш ва технология ишларини бажаришда эришилган катта ютуқлар учун илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар, бирлашмалар ва корхоналар коллективларига СССР Министрлар Советининг мукофотларини бериш тартибини белгилаб қўйди.

Бу мукофотларни (жами 120 та шундай мукофот таъсис этилди) СССР Министрлар Совети:

корхоналар, бирлашмалар ва иншоотларнинг энг яхши лойиҳаларини ишлаб чиққанлик ва шу лойиҳаларга асосан уларни қурганлик учун — СССР Госстрой, СССР Фан ва техника давлат комитети ҳамда ВЦСПСнинг;

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган энг катта илмий-техникавий тадқиқотлар ва кашфиётларни ишлаб чиққанлик ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этганлик учун — СССР Фан ва техника давлат комитети, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР «Госкомсельхозтехника»си ва ВЦСПСнинг;

халқ хўжалиги ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича комплекс илмий-тадқиқотлар, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишларни бажарганлик ҳамда шу тадқиқотлар ва ишларнинг натижаларини жорий этганлик (шу жумладан, илмий-техника программаларини бажарганлик) учун — СССР Фан ва техника давлат комитети ва ВЦСПСнинг тақдимига биноан бериш белгилаб қўйилди.

СССР Министрлар Советининг мукофоти бериладиган кишиларга диплом ва кўкракка тақиладиган «СССР Министрлар Совети мукофотининг лауреати» нишони топширилади.

* * *

СССР Министрлар Совети бошқа бир қанча масалалар юзасидан, шу жумладан:

1981—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда порошокли металлургияни янада ривожлантириш тўғрисида;

Свердловск темир йўлини ривожлантириш ва унинг ишини яхшилаш тўғрисида;

корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар, бинолар ва иншоотларни топириш тартиби тўғрисида;

Ленинград телевидениеси ва радиоэшиттиришини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида ҳам қарорлар қабул қилди. (ТАСС).

НАФОСАТ БИЛАН УЧРАШУВ

УРГУТДА ШУНДАЙ УСТА БОР

Ўзбекистонда кулолчилик, мисгарлик, зардўзлик каби халқ истеъдоди ва ғуруруни мужассамлаштирган касблар нақадар қадимий ва эътиборли эканлиги тўғрисида гапиришга ҳожат бормикан? Пиёлалар ва бошқа идишлар ясаган, гул солган усталар шоирлар каби машҳур бўлишган. Кулолчилик марказлари барқарор бўла борган, кулолчилик мактаблари вужудга келган, анъаналар қарор топган, улар асрлар давомида ўзгармаган. Буюмларнинг шаклига, муҳими унинг қиёфасига қараб у ёки бу бошқа кўза қаерда ясалганини аниқлаш мумкин. Хоразм ва Фарғонада кўк-оқ-яшил, Бухоро ва Самарқандда сариқ-яшил-қўнғир рангдаги буюмлар ишланган.

Маҳкам Облақуловнинг уйига келиб бу ердаги кўзалар ва идишларнинг гўзаллигидан роҳатланиб томоша қилдим. Мени бир нарса ажаблантиради: уста фақат икки хил рангдан фойдаланади. Нега бундай қилишини тушунаман, анъана талаби шундай бўлса керак. Аммо менимча икки хил ранг фантазияни чеклаб қўяди ва шу сабабли ундан:

— Балки бошқа рангларни ҳам ишлатгингиз келар? — деб сўрайман.

— Нега? — Маҳкам елкасини қисди. — Ахир бир хил ранг ҳам беқиёс бўлиши мумкин. Мен сариқ рангни ишлата бошлаганимга яқинда 50 йил бўлади, ҳамиша янгича услуб чиқади.

Устахонанинг иккинчи қаватига кўтариламиз. У қоронғи ҳонадан ёруққа бирин-кетин тайёр буюмларни олиб чиқади, гўё қуёшнинг илиқ нурини олиб чиқиб ерга қўяётгандек туюлади.

— Буни қаранг! — дейди уста ва ўзи ҳам териб қўйилган ликопча ва кўзаларга ҳавас билан қарайди. Уларнинг ранги қандай? Атир гул рангидами? Қўнғирми? Қизил олтин тусидами? Оч лимон рангидами? Бугдой рангидами? Яхши пишган ўзбек узуми каби майин шаффоф тусдами? Чинорнинг саргая бошлаган, қизғиш бўёқлари кўпроқ бўлган тусидами? Бу рангларнинг ҳаммаси шу ерда мужассам эди.

Мен билан бирга келган район маиший комбинатининг директори Эргаш Нўбиев бундай деди:

— Бундай идишларни фақат Ургутда ясашади. Биласизми нега? Чунки Облақуловнинг ўз сири бор. Бошқа районларда шу тусдаги идишни гайёрламоқчи бўлишди-ю, уддасидан чиқиша олмади.

— Қанақа сир? — уста эътироз билдирди. — Мана бу оқ тош, уни тоғдан олиб келиб майдалайман. Мана бу темир гили (у кўмир каби қора тез синувчан пластинкаларни кўрсатди). Бунинг устига ун, бўёқ яхши ушлаш учун. Шу, холос. Қанақа сир бўлиши мумкин? — деб илова қиладди у ва маъюдор жилмаяди.

Мен эса Самарқанднинг бошқа бир сирини эладим: Ўзбекистонда энг тотли ҳисобланган Самарқанд оби нонини ўйлайман. Бундай нонни Тошкентда пиширмоқчи бўлиб Самарқандан ун, ҳатто сув ва туз олиб келишган. Шунга қарамай Самарқанд нони каби тотли бўлмаган. Ўшанда кимдир гап унда бўлмаса керак, балки хамирни бошқача қилиб қоришар, деб тахмин қилган. Самарқанддаги усталар бошқа, уларнинг усули ҳам бошқа бўлиши мумкин деб ўйлаган. Чамаси, бу ерда ҳам гап кулолнинг қўлида, бўёқларни аралаштира билишида, буюмларни хумдонга қўйиб бўёқлар мустаҳкам ва чиройли бўлган пайтни яхши топа олишида бўлса керак.

Маҳкамга кулолчилик санъатини отаси, машҳур уста Облақул Хидиров ўргатган. У ясаган идиш Ленинград музейларидан бирида сақланмоқда.

Маҳкам Облақулов эслайди:

— Отамдан кулолчилик дастгоҳи ясаб беришни сўраганимда ўн уч яшар эдим. Отам севиниб кетиб «Баракалла, ўғлим, яхши гапирдинг», дегани ёдимда. Шундан кейин кичкина дастгоҳ ясаб ўзиникининг ёнига қўйди. Иккаламиз битта ғўла устида ўтириб ишлар эдик. Мен бунгача ҳам отамнинг дастгоҳида осонроқ идишларни ясардим, энди эса ҳаммага менинг ўз иш жойим бор деб фахрланиб гапирардим. Лекин ўн уч яшар боланинг ҳаёли қаёқда бўлади дейсиз? Отам учун ҳаёт ишига айланган нарса мен учун эрмак эди. Мен ясаган кўзача нотекис, қийшиқ бўлиб чиқди, кулиб уни эзиб ташладим ва бошқа лойга қўшиб юбордим. Буни кўрган отам юзимга бир шапалоқ солди. Бунгача отам мени урмаган эди, ундан кейин ҳам ургани йўқ. Мен анави томонга (устахонанинг бурчагини кўрсатади. у) учиб кетдим. Йиғлади деб ўйлайсизми? Йўқ. Чунки отам йиғлаб юборган эди. Кейинчалик ишим юришмаганига енгилтаклик билан қараганим отамни хафа қилганини тушундим. Кечқурун эса ёнига ўтказиб насиҳат қила бошлади ва бу насиҳатни мен умр бўйи эслаб қолдим. Бизнинг оиламиз оддий оила эмаслигини ўшанда билганман. Отам кулолларнинг ўн уч авлодини санаб берди. «Ёдингда тут бу улуг номларни,— деди у, — Улуғбек, Жомий, Алишер Навоий. Оиламиздан чиққан биринчи кулоллар шу зотлар билан бир вақтда яшашган. Улар яшаган бир заминда яшашган. Бу оиламизнинг фахри ва бахти, унинг шарафи. Шу шараф ишончли қўлларда қолишини билсам ёр дунёдан хотиржам кўз юмаман».

Отам яна узоқ яшади. У саксон стти ёшида вафот этди.

— Яхши ўлим, — деди Облақулов ўйчанлик билан. — Эрталаб роппа-роса юзта пиёла ясади. Кечқурун эса оламдан ўтди.

Қайғули воқеаларни эсга олмагандек бирданига мағрур табассум қилади.

— Ҳозир икки ўғлим мен билан бирга ишлаяпти. Демак, булар ўн бешинчи авлод. Энди мен ҳам хотиржам яшасам бўлади.

Унинг ҳаётидаги энг машъум хабар ҳеч қачон кулолчилик қила олмаслиги ҳақидаги хабар эди. Бу 1944 йил Варшава остонасида бўлган. III ва II даражали Шуҳрат орденлари билан мукофотланган Облақулов қўлидан, панжаларининг сал юқорирогидан ярадорланди. Тажрибали жарроҳлар пай бутун бўлса ҳам нервга шикаст етганлиги, медицина эса нервнинг ишини тиклашга ожиз эканлигини тушунтиришди. Маҳкам учун уруш шу тариқа тугади. Қўли ишламайдиган солдат кимга ҳам керак? Бундай ходим кимга ҳам керак бўлади?

Маъюс бўлиб уйга қайтдим. Отамнинг юзи жиддийлашди, лекин кайфиятини билдирмади. «Ҳечқиси йўқ, ўғлим, устахонада сенга ҳам иш топилади, идишга шакл беролмайсан, лекин бўёқларни аралаштиришинг, гул солишинг мумкин». Бармоқлари икки йилгача ҳаракатга келмади, икки йилгача Маҳкам ёриллаб айланиб турган кулолчилик дастгоҳига алам билан тикиларди. Аммо бир куни лойга қўл уриб бармоғини қимирлатганини сезиб қолди. Яна ярим йилдан сўнг қўлининг кучи тикланди. Фақат билагидаги қорамтир чиқурча ва ёғингарчилик пайтида билагининг сал шишиши ярадор бўлганини эслатиб туради. Облақулов ўзининг тузалиши ҳақидаги билимни қалбида сақларди. Бу билим шундан иборат эдики, у жуда ҳам ишлагиси келарди, шу сабабли қўлига ҳам жон кирди.

Маҳкам Облақулов салкам 50 йилдан буён меҳнат қилмоқда. У менга деворнинг суяниб ўтирган жойи ўйилиб қолганини кўрсатди. Уста чарчаганда қаддини ростлаб лой деворга суянади. Энди эса девор чўқурлашиб, елкасининг изи ўйиб кириб кетган.

... Маҳкам бир парча лойни узиб олиб уни кулолчилик дастгоҳи устига чаплайди. Кейин чархни оёғи билан айлантиради. Лой бироз титраб зичлашиб турибди ва қандайдир дақиқа ўтгач, ҳеч қандай шаклсиз лой кўзага айланади. Мана, кўзанинг ёнлари кўзга ташлана бошлади. Кейинчалик равшан кўринди. Кулол ҳаракатни тўхтатмай, қўл учи билан лойни ҳўллайди, керакли шаклга кириши учун унга ёрдам беради. Аввал кенг, ясаси бўлган идиш бирданига чўзила бошлайди, ўсади, сўнг сиқилгина чўкади, ёнлари кенгаяди. Бармоқларнинг яна бир билинар-билинмас ҳаракатидан сўнг кўза оғзида позик биқиқ ҳалқа пайдо бўлади ва у идишга янгича шинам тус беради.

Кулолчилик санъати ер юзидаги қадимий санъатлардан бири бўлиб, у ўзига гўё умуман санъат тимсолини мужассамлаштиради. Фақат бу ерда ижод жараёни чархланиб, зичлаштирилиб дақиқаларга келтирилган. Кўз олдингизда кулолчилик буюми ўз шаклини излайди, кўп шаклларни улоқтиради ва ниҳоят муаллифнинг хаёли ва материал ўртасидаги аниқ муносабатни акс эттиради.

Шундан сўнг кулол яна нималар қилиши керак? Сўнгги ишларгина қолади. Маҳкам бош бармоғи билан кўза оғзини оҳиста қисади ва у чўзилиб гул очилаётгандек бўлади. Иш тугади. Дастгоҳ айланиши секинлашади ва тўхтайди. У билан бирга келишган чиройли идиш ҳам айланишдан тўхтайди.

Шундан сўнг бўёқлар жилоланиш тилсимоти очила бошлайди. Кўзача қандай рангда бўлади? Мен устага тикилиб унинг кўзларидаги таниш, маъноли ифодани кўраман. Қандай рангда бўлади? Ҳа, қизариб пишган Самарқанд нони тусида. Шундай уста борлигини нега олдин билмаган эканман?

И. ГЛАН.

Ургут шаҳри, Самарқанд области.

(«ПРАВДА» 1979 йил, 4 декабрь).

Тошкентда Урта Осиёда энг баланд телеминора қурилиши олиб борилмоқда. Уни бунёд қилишда Урал металлургпари, машинасозлари ва монтажчилари, Москва, Ленинград ва Украина саноат корхоналари коллективлари иштирок этмоқда. Суратда: қурилишда намуна кўрсатиб ишлаётган монтажчи Э. Қодирбеков. А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Матбуотда, полиграфияда актив, самарали ишлаганлиги, республикада матбуотни ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда «Экономика и жизнь» журнали чиқа бошлаган кунга 60 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига мувофиқ журнал редакцияси ходимлари ва штатсиз мухбирларидан — бош редактор ўринбосари Виктор Павлович **Антипов**, бўлим редактори Юрий Анатольевич **Модестов**, штатсиз мухбир, Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти Шарафулла Отауллаевич **Йўлдошев** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берилди.

«Экономика и жизнь» журнали редакцияси ходимлари, штатсиз мухбирлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон музика маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети макомчилар ансамблининг дуторни солисти ўрток Орис **Қосимовга Ўзбекистон ССР халқ артисти** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги ҳамда Ўзбекистон музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети макомчилар ансамблининг вокалчи солисти ўрток Исҳоқ Миэрхаимович **Катаевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми хореография санъатини ривожлантириш ва унинг ютуқларини пропаганда қилишдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат рақс ансамблининг балет артистлари Гулнора Фрунзевна **Жўраева**, Насибахон **Мадраҳимова**, Ўғилой Низомовна **Сандова**, Гулчеҳра Аҳмаджоновна **Фозилжоновларга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада физкультура ва спортни ривожлантириш ва пропаганда қилишдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан «Советский спорт» газетасининг Урта Осиё республикалари бўйича мухбирлик пункти мудири ўртоқ Степан Степанович **Балакинга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришдаги хизматлари учун Тошкент тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмининг бош врачи ўртоқ Мирсобит Миртурсунович **Исмоиловга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач** фахрий унвони берди.

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаларини мустаҳкамлаш учун бошланган кураш йилларида бошқа халқлар қатори рус пролетариати билан елкама-елка туриб контрреволюцион ички унсурларга қарши курашда ўзбек халқининг ҳам ажойиб фарзандлари етишиб чиқди. Улар республикамизда янги ҳаёт қурдилар, социализм жамиятини барпо этдилар. Ана шундай инсонлардан бири Мирмуслим Шермуҳамедовдир.

М. Шермуҳамедовнинг ёшлик йиллари оғир, аянчли бир даврга тўғри келди. Урта Осиёда чор Россияси колонизаторлари ҳукмронлик қилган, уларнинг истибдодида халқ оғир ҳаёт кечирар эди. Мирмуслим Шермуҳамедов 1899 йили Тошкент да деҳқон оиласида туғилди. Ёш Мирмуслим 15 ёшида меҳнат фаолиятини бошлаган. Айни вақтда у қўл ҳунармандчилиги омборхонасида оғир меҳнат қилиш билан биргаликда, рус-тузем мактабида билим олди. Бу ерда у рус ишчилари билан мулоқатда бўлар, сиёсий билимини оширар ҳамда рус тилини пухта ўрганарди.

Октябрь революцияси ғалабаларини у кувонч билан кутиб олди. 1917 йилнинг охирида М. Шермуҳамедов Тошкентдаги Эски шаҳарга озиқ-овқат бўлимининг бошлиғи ва секретари қилиб ишга юборилди. Шундай оғир бир шароитда бу масъулиятли вазифани у шараф билан бажарарди. У карточка системасида озиқ-овқатни тақсимлаш ишига бошчилик қиларди. Бу вазифада ишлар экан, М. Шермуҳамедов ўзининг соф виждони ва ақлидроки билан революция ишига ўзининг бутун куч-ғайратини бағишлади.

Партия ва халқ ишончини қозонган М. Шермуҳамедов 1918 йил январь ойида Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Шундан кейин у ўз ҳаётини янгидан бошлади: Совет ҳокимияти ғалабаларини мустаҳкамлаш учун қизил гвардиячилар сафида қўлига қурол олиб курашга кирди. 1919 йил январь ойида Тошкентда контрреволюцион оқ гвардиячилар томонидан ўлдирилган ёсённи тор-мор келтиришда актив курашчилар ва бири сифатида номи тилга тушди.

1919 йил кузида М. Шермуҳамедов Закаспий фронтига ишга юборилди. Бу ерда у мусулмон қисмларида оқ гвардиячиларга қарши кураш олиб борди. Агитаторсиёсий жангчи сифатида Қизил Армия қисмларида сиёсий тушунтириш ишларини олиб борар, жангчиларни сиёсий жиҳатдан чиниқтирар ва курашга чорлар эди. Ўзининг жанговар хизматлари билан революция ишига, халқ ишга, келажак ишига содиқ эканлигини намоён этарди.

Закаспий фронтида оқ гвардиячилар тор-мор келтирилгач, Коммунистик партия М. Шермуҳамедовни социализм қурилиши ишларига, масъул вазифаларга даъват этди. Бу вақтда мамлакатимизда, шу жумладан, республикамизда саводсизликни тугатиш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. М. Шермуҳамедов Тошкент халқ маорифи бўлими коллегиясига секретарь қилиб ишга юборилди.

1922 йилнинг охирида Коммунистик партия уни партиявий раҳбарлик лавозимларига ишга қўйди. 1922—1923 йиллари у аввалига Тошкентдаги Эски шаҳар партия комитети ташкилий ишлар бўлимининг мудири кейинчалик эса Эски шаҳар партия комитетининг секретари бўлиб ишлади. 1925 йил охирларида Жиззах уезд-шаҳар партия комитетининг секретари сифатида катта ишларни амалга оширди. 1926—1928 йиллари Самарқанд уезд-шаҳар комитетининг секретари, кейинчалик, Ўзбекистон КП(б) округ комитетининг секретари бўлиб ишлади. У Самарқандда шаҳар ва қишлоқларга яшириниб олган босмачиларни таг-томири билан тор-мор келтиришда жасорат кўрсатди. Самарқанд областида ер-сув реформасини ўтказишда ўзининг ташкилотчи, сиёсий раҳбар эканлигини намоён қилди. У Самарқанд области ва Жиззах уездида ер сув реформаси ўтказиш комиссиясининг раиси эди.

1928 — 1932 йиллари М. Шермуҳамедов Қўқонда ҳамда Наманганда Ўзбекистон КП(б) округ комитетининг секретари бўлди. Шу йиллари у Қўқон ва Наманган округларида колхоз тизимида катта ташкилотчилик ишлари олиб борди. 1932 йили М. Шермуҳамедов Ўзбекистон КП((б) Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари қилиб ишга юборилди. Тошкентда М. Шермуҳамедовнинг катта ташкилотчилик ишлари туфайли кўпгина саноат корхоналари барпо этиш ишлари амалга оширилди. Янги корхоналар қурилиб, ишга туширилди. 1934 йили у Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига масъул вазифага ишга ўтказилди. 1937 йилгача у Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетида қишлоқ хўжалик бўлимига мудирлик қилди. Бу масъул вазифада ишлар экан М. Шермуҳамедов республикамизда пахтачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттириш ишларида ташаббус ва ташкилотчилик кўрсатди.

Коммунистик партия Шермуҳамедовни қаерга ишга юбормасин, у ўзининг бутун куч-қудрати, таланти мамлакатимизда, шу жумладан, республикамизда социализм қурилишига бағишлади. Шунинг учун ҳам у Коммунистик партиянинг ишончини қозонди. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бюро аъзолигига сайланган эди. М. Шермуҳамедов ВКП(б)нинг XVI ва XVII съездлари ҳамда XVI Бутуниттифоқ партия ташкилотлари конференциясининг делегати бўлди. Айни вақтда М. Шермуҳамедов Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев 1974 йили Ўзбекистон ССРга Халқлар Дўстлиги ордени топширишга бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, бизнинг она еримизда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва социалистик жамиятни барпо қилишда актив қатнашган курашчилар — Коммунистик партия фарзандлари номларини бугун яна ҳурмат билан тилга оламиз. уларнинг ишлари халқимиз қалбида мангу яшайверади. Мирмуслим Шермуҳамедов халқимизнинг ана шундай жанговар фарзандларидан бири бўлиб қолади.

Л. ШЕК.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати.

НУР СОҲИЛИ

Публицистика

Бугунги чўнг хирмонлар кечагина нур соҳили бўлиб кўринарди. Бугун бу нурли соҳилга ҳам етиб келдик!

Хирмонлар... Унинг осмонўпар чўққиларида жилваланаётган мунаввар офтобгина эмас, у — ҳазрати пахтакорнинг орзулари, армонлари, ўйқусиз тунлари, эгатларга тўкилган меҳр-у муҳаббати ҳамдир. У қаҳрамонликлар, фидойиликлар заркитобига ёруғ юз билан имзо чеккан пахта усталарининг табассумлари, ишончларидир. У катта минбарлар, қўшиқлар, пахтакор ҳақида битилажак шеърлардир. У ҳосилларнинг нархини, хирмонлар бастини миқоллаб, граммлаб яратган фозил деҳқонларнинг бардошлари, умид, ишқ тўла юрагидир, ёруғ юзларидир. У ҳали қаламга олинмаган буюкликдир.

Мана, зафарга етдингиз...
Минбар томон йўл бўлсин!
Шодумон эл, олаётган чаноғингиз гул бўлсин!
Юксак хирмон... бари дур у,
Лаъли, инжунинг ўзи,
Олий ҳиммат халқимизнинг виждони, ёруғ юзи,
Ҳиммат билмас одамларда зафар деган не қилсин,
Чўнг ҳимматли пахтакорим, зафарлар қутлуг бўлсин!

Шитоб дамлар, шитоб соатларнинг ҳар бир дақиқасидан қатралаб дур териб олган, хирмон кўтарган дугоналарим — Турсуной, Инобатхон, Сарвихон, Умрихонжар, ҳорманг! Тарозибон, хазинабон, ҳашарчи шаҳарликлар, ҳорманг энди!

Далада Сиз — буюк меҳнатларнинг қудратли симфониясини яратдингиз. Сиз «оқ олтин» хирмонингина эмас, олтин бардошларнинг ҳайкалларини яратдингиз!

Эрта баҳор қуёшли диёримизга турналар, қалдирғочлар учиб келганида ҳам Сиз далада эдингиз. Улар юртимизда баҳорни ўтказдилар, ёзни қаршиладилар, Сиз эса далада бўлдингиз. Қушлар олис сарҳадларга учиб кетдилар, Сиз ҳамон даладасиз. Зафар китобини яратмоқдасиз.

Кўчаларни тўлдириб ўтиб бораёган карвонларда орзуларингиз бирга кетдилар, ўзингиз далада қолдингиз. Кўчаларни тўлдириб бораётган оддий карвонлар эдимми? Йўқ, улар Сиз яратган маъданлар эди. Маъданларки, бир жаҳон умид улар, меҳнат улар, муҳаббат улар.

Бугун Сиз олтин тарозу бошидасиз. Дилингизда сурур.

Сиз яратган осмонўпар «оқ олтин» хирмонига кўз тикаман-у, ҳайрат ила ёка тутаман. Бободеҳқон. Ўлкамизда баҳор нафаси эндигина кеза бошлаган кезлар даларада бўлган эдим. Уша маҳалларда Сиз эккан чигитингизга кўз тикиб, унинг қулоқ кўргазишини орзиқиб кутаётган эдингиз. Ёзнинг бошларида ҳам далаларни яёв кездим. Шунда Сиз дўл урган, сел босган далаларингизни бузиб, қайтадан чигит экаётган эдингиз. Августнинг бошларида ҳам ғўзалар бир қаричгина эди. Улар худди отасининг пўстинига ўраниб олган болакайдай, ердан аранг кўриниб турарди. Бир пайкалда ғўзалар хийла бўлиқ бўлса, бирида эндигина бўй кўргазаётган эди. Қуёш ҳарорати ҳам уларнинг «ташна»лигини қондирмасди. Ана шунда Сиз ғўзангизга меҳрингизни нисор этдингиз. Муҳаббат билан, сабот-матонат билан кун-тун уни парвариш этдингиз.

Сизнинг меҳрингиз ҳарорати ила она юртим далаларида қиёслашга қалам ожизлик қиладиган тенгсиз «оқ олтин» бунёд бўлди. У олтин эмас, ундан ҳам азиз-роқдир! Сиз манглайингиздан реза-реза терлар тўкдингиз, эвазига бебаҳо дурлар яралди. Деҳқон бобом, оқ яктагингиз устидан белингизга қийиқ боғлаб, қадаган ҳар дона чигитингизни зарга айлантирдингиз-ку!..

Кимёгар ўзбек ўғлони қалбида ҳам яратиш завқи жўш урди ҳамиша. У саратон қуёши сочган оловларни пешона тери ила «пасайтирди». Бугун элим хирмонлари зангор осмонни ўпмоқда-ку. Чунки бободеҳқон хирмонига чўнг тоғлардан, чўнг мақсадлардан, эзгу ниятлардан пойдевор қўйди. Хирмон бастини кўтарди. «Оқ олтин» тоғи эса бободеҳқон бастини кўтарди. Шу теран ҳамроллик қалам тутқазди бизга.

Уюм-уюм пахталар одамнинг нигоҳини эркалайди. У далалар дудоғига табассумдай ярашиб турибди бугун. Ҳимолайдай хирмонларимиз ўзаро кўрк талашмоқда. Хирмон эмас, у — иқбол, деҳқон қалбининг дармони у.

Бу иқбол осмондан тушмади. Уни қадоқ қўллар яратди. У — тошлар устида ундирилган гуллардай ардоқли. Бугун ўша қадоқ қўллар шаънига бир калима дил сўзини атамоқ қалам аҳли учун энг шарафли ишдир. Зеро, биз йил бўйи далалардан шеър олдик, пахтакор эса зар олди. Юртимизда меҳнат таронаси янграмоқда. Унинг накорати — «оқ олтин» карвонларидир. Бугун юртимизда зафар таронаси янгради, унинг авжи ҳам шу — «оқ олтин» хирмонларидир.

Ҳар эгатга умид, армонларини тўкиб, ҳар чаноқдан фахрланаётган пахтакор қизнинг қўлларида кўзгу кўрдим. Ораста қўллар сандиқ қатини бузмоққа мақтадир. Унинг хаёллари йўлларда, «оқ олтин» карвонлари жўнаган йўлларда. Она-Ватан хазинасига йўл олган жавоҳирлар жилвасида.

Бўлиқ кўсакларга меҳрини ўраб, беркитган пахтакор келинчакнинг қўлларида гул кўрдим. Унинг нигоҳи пахта хирмонлари пештоқида ўйнаган нур — кумуш қандиллардадир.

Қуёшнинг кумуш чодирлари далада. Пахтакор қизлар даларада розини айтиб бўлганича йўқ. Ҳали уларнинг йўллари уфқларга туташ даларада ҳар тонг. Чош хирмонлар атрофида тарозибонга ҳали иш мўл.

Турсуной, Чиннигул уйган пахталар тонналарга айланади яна. Сахий еримизнинг сепига осмон тарози бўлади. Деҳқон кўз нури, қалб қўри билан ардоқлаган пахтасини далада қолдириб кетишга унамайди, албатта. Буолмахонлар бошкараётган дастгоҳларнинг гумбурлаши учун ўша сўнгга чаноқлар керак. Оминахонлар минбарга чиқиб, юзимиз ёруғ, деб сўзламоғи учун сўнгги граммлар даркор.

Кунлар тез-тез ўтмоқда. Тонглар қанотида шабнам қўнмоқда ерга. Замин олтин ранг либосини ечиб, кумуш либосини киймоқда. Олқорлар қояга кўз тикмоқда. Лекин пахтакор нигоҳи уфқларга туташ даларададир. Далаларда, чаноқларда. Пахта бор экан, деҳқон қалбида қаяжон яшайди. У оромини тан олмайди ҳеч. Сўнгги чаноқлар келинчакнинг тақинчоғи, сепи-андози. Буюк меҳнат, буюк орзуларнинг сўнгги нуқтаси—чаноқлар. Серташвиш меҳнатларнинг лаззати—чертилажак дутор тори унда. У буюк рожаларнинг дояси ҳам.

Пахтакорим,
Сени таърифлагим келар,
Йўғриб таъзимларимга
Ўқиганда жиндек жилмайсанг.
Сендек буюклиққа қўфия нелар!
Сендайин сертўлқин дарё азмлардан
Кучлироқ тўлқинни қайлардан олсам.
Пахтакорим,
Сени шарафлагим келар,
Улуғлагим келар ҳар нафас,
Ўқиганда жиндек тин олсанг
Ғайратингга ўхшаш экан нималар!
Сен ўзинг оташсан, нон-насиб, тақдир.
Бахтим бор ўтингда мен ҳам ёнолсам,
Куйга сололсам,
Сени улуғлагим келар,
Пахтакорим!

Эътибор ОХУНОВА.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Ховос районидаги «Фарҳод» совхози пахтакорлари зафар қучдилар. Ватан хирмонига пландаги 10300 тонна ўрнига 10350 тонна «оқ олтин» тўкилди. Бу ўтган йилдагидан 2 минг тонна кўпдир. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 24,5 центнерни ташкил этди. Пахтанинг 7 минг тоннаси агрегатлар бункеридан тўкилди.

Планнинг бажарилишига Барот Такаев, Эгамқул Муҳаммадиев, Абдураҳмон Бойсариев бошлиқ бўлимдар салмоқли ҳисса қўшдилар. Мавлон Тўраев, Ашур Такаев, Абдиалим Муҳаммадиев сингари механизаторлар агрегатлар бункеридан 140—160 тоннадан «оқ олтин» тўкиб, Муҳаббат Орипова, Рўзигул Маматқулова, Сора Йўлдошева, Ойша Маматқулова сингари чеварлар эса 8000 — 8200 килограммдан пахта териб, хирмонга барака киритдилар.

План тўлди. Фарҳодликлар мажбурият ҳисобига пахта тоширмоқдалар. Улар 11 минг тонналик пахта хирмони тиклаш иштиёқида теримни ғоюшқоқлик билан давом эттиришяпти.

СЕРТАШВИШ ЙИЛ ҚУВОНЧЛАРИ

Ҳар йилнинг ўзига яраша ташвишлари ва қувончлари бўлади. 1979 йил пахтачилик учун нечоғли оғир келганини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидаги қўйидаги сўзлардан яққол билиш мумкин. «Кўкламда табиий офат деҳқонларни қарийб 1 миллион гектар ерда икки марта, айрим жойларда эса уч марта қайтадан чигит экишга мажбур этди. Улар юксак уюшқоқлик, саботматонат, тажрибаларини, қалб ҳароратларини табиий офатга қарама-қарши қўйиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Бу ҳосил мажбуриятни бажариш учун бемалол етади».

Колхозимиз аъзолари ҳам кўплар қатори жуда катта қийинчиликларни бошдан кечирдилар. Икки ой давомида узлуксиз Кўқон шамоли бўлди, устма-уст ёмғир ёғиб, жала қуйди. Қийғос шонага кирган ғўзалар ер билан яксон бўлди. Бир минг гектар майдонга қайта-қайта чигит экилди. Июнь ойи бошларида ҳам ерга уруғ қададик.

Лекин ҳеч ким саросимага тушмади, ваҳимага берилмади. Аксинча, ҳамма бир жон, бир тан бўлиб партия ташкилоти атрофига уюшган ҳолда табиат ўжарликлари туфайли юз берган офатларни енгишга киришди. Ёз ойларида ҳароратнинг ўта юқори бўлиши ўсимликни анча толиқтириб қўйди, сувга бўлган талабини оширди. Асамат пахтакорларимиз ғўзаларни пешона тери билан сугордилар, очиқтирмай озиқлантирдилар, культивацияни сифатли ўтказдилар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши қаттиқ ўт очдилар. Агротехниканинг шундан кейинги тадбирларини ҳам тўла амалга оширдилар.

Бугун колхозчи-деҳқонларимиз ўз меҳнатлари самарасини кўриб қувонмоқдалар. Колхозимиз 1700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,5 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, йиллик халқ хўжалик планини шараф билан бажардилар. Серташвиш йилда ҳосилдорлик камайтирилмади, аксинча кўтарилди, ялпи ҳосилнинг 90 проценти биринчи сортга қабул қилинди.

Далаларимизда кутилгандан эндй ҳосил етиштирилди. Лекин уни тезкорлик билан йиғиб-териб олиш, юқори сортлар билан давлат тайёрлов пунктларига етказиб бериш шарафли вазифа олдимизда турарди. «Ҳамма пахта теримига отлансин, ҳамманинг ўрни пахтазорда!» деган шиорни кун тартибига қўйдик, республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатини ҳар бир дала меҳнатчиси, ҳашарчининг қалбига сингдирдик, социалистик мусобақани бутун чоралар билан кучайтирдик.

Ҳосилни тезкорлик билан йиғиб-териб олиш мусобақасида механизаторларимиз байроқдорлик қилдилар. Далаларда 18 машина тўла қувват билан ишлатилди. Ҳар бир машина билан кунига графикда кўзда тутилганидан анча кўп пахта терилди. Умуман эса мавсумда бункерлардан 3000 тоннадан ортиқ дурдона тўкилиб, бу борада белгиланган план ортиғи билан адо этилди. Механик-ҳайдовчи коммунист Фазлиддин Саксонбоев бункерлардан 300 тоннадан ортиқ пахта тўкиб, ҳаммага ибрат намунасини кўрсатди. Мусажон Абдуллаев, Ғуломжон Валижонов, Шаҳоб Ботировлар ҳам ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан гвардиячилик номини шарафладилар.

Пахтакорларимиз пахта тайёрлаш суръатларини ошириш, терим палласининг ҳар куни, ҳар соатидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш муқаррар ғалаба олиб келишини яхши тушундилар. Теримчилар, механик-ҳайдовчилар, ҳашарчилар орасида меҳнат интизомини бузувчилар, умумхалқ ишидан четда турувчилар, оғир ишнинг устидан, енгил ишнинг остидан ўтиб юрувчилар бўлмади, ҳамма баравар ҳосил тақдири учун курашди. Натижада хирмонимиз кун сайин кўкка бўй чўзди. Уста пахтакор Мамазиё Қодиров, Носъмат ота Маматқуловлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари 50—60 центнерлик ҳосил учун курашни ҳамон қизғин давом эттирмоқдалар. Ҳамма бригадаларимизнинг аъзолари аъло баҳоларга лойиқ ишладилар. Шунинг учун ғалаба марраси сира толиқмай етиб келдик.

Шунн алоҳида таъкидлаш керакки, Мамасидиқ Худойберганов, Абдураҳим Икромов, Холдорали Муҳитдинов, Аъзамжон Тожиалиев, Абуҳалим Мирзаевлар бошлиқ бригадаларимиз табиат ўжарликларига ҳаммадан кўра кўпроқ дуч келдилар. Шунга қарамай ҳосил меҳнат билан юқори ҳосил етиштириб, тайёрлов пунктларига гектаридан 45 — 50 центнердан «оқ олтин» жўнатдилар.

Ҳосил тақдири, план ва мажбурият бурчи пахтакорларимизда сўнмас куч-ғайрат уйғотди. Ҳамма бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп ва тоза пахтаериш мусобақасига қўшилиб, жонбозлик билан меҳнат қилди. Биз машина теримига нечоғли катта эътибор берган бўлсак, қўл терминиг аҳамиятини ҳам шунчалар кучайтирдик. Хўжалигимизда 10—15 тонначи теримчилар сони ўтган йилдагидан анча кўпайди. Бугун шуни қувонч билан маълум қиламизки, Азизахон Абдураҳмонова, Мавлудахон Ганиева, Замирахон Мамарасулова каби юзлаб теримчиларимизнинг ҳар бири мавсум бошидан буён хирмонга 10 — 15 тоннадан юқори сорт пахта териб топшириб, юксак мажбуриятларни уддаладилар.

Беш йилликнинг тўртинчи йили ниҳоятда мураккаб келган бўлса ҳам, пахтакорларимиз юз берган қийинчиликларни мардонавор енгиб, рекорд ҳосил етиштирдилар. Дарҳақиқат, 1979 йил пахтачилик тарихида энг машқкатли йил бўлди, лекин ҳосил энг мўл етиштирилган йил ҳам бўлди. Бунга фақат ҳалол меҳнат ва меҳнат билангина эришдик.

Республикамизнинг улкан хирмонига муносиб улуш кўшганлигимиз билан фахолланамиз. Айни пайтда КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қаорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қонда ва хулосалар, ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси ҳужжатлари бизни ўнинчи беш йилликнинг иқтисодий йилини зарбдор меҳнат йилига айлантиришга даъват этади. Шу кунларда колхозимизда келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин тайёрланмоқда. Ариқзоврлар тозаланиб, экиндан бўшаган ерлар пешма-пешш шудгор қилиб қўйилмоқда.

Эркин УСМОНХЎЖАЕВ.
Бағдод районидаги «Большевик» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ ОДИМЛАРИ

● СИФАТ УЧУН КУРАШ — ҲАР БИР КИШИНИНГ ИШИ

СОФИЯ. Бургас округи меҳнаткашлари Болгариянинг еттинчи беш йиллик планида кўзда тутилган асосий вазифа — ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш вазифасини бажаришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Ишчи ва хизматчилардан 40 мингдан ортиқ киши «ҳар бир кишининг юксак сифатли ишлаши туфайли бутун коллективнинг юксак самарали меҳнатига эришамиз» деган шиор остидаги ҳаракатни кенг авж олдирди. Округнинг 37 корхонасида маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилди. «Балканстрой» енгил конструкциялар заводида ва И. Бояжиев номли кемасозлик заводида «Ҳамма маҳсулотнинг юксак сифатли бўлишини гарантиялаймиз» шиори остида янги ташаббус бошланди.

Бургас округидаги саноат корхоналарида Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотнинг нисбатан улуши ҳозир 66 процентдан ошди.

● МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲИСОБИГА

БУДАПЕШТ. Ленинварошдаги Тисай химия комбинати Венгрия Халқ Республикаси социалистик индустриясининг тўнғич корхонаси ҳисобланади. Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида қурилган бу улкан саноат комплекси республиканинг синтетик материеллар, бўёқ, сунъий ўғитлар ва бошқа муҳим маҳсулотлар билан таъминлаб тўрибди. Экспорт қилинадиган маҳсулотнинг кўп қисми Совет Иттифоқига юборилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида унинг салмоғи 33 процентга етади. Комбинат коллективи ички ресурслардан фойдаланиб, ўтган йилларда асбобускуналар анча қисмининг лойиҳада белгиланган қувватидан ўзиб кетишга эришди. Масалан, полиэтилен ишлаб чиқарувчи цех ҳозирги вақтда пландаги 24 минг ўрнига 51 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Пластмассалар заводи эса маҳсулот ҳажмини 7 минг тоннадан 65 минг тоннага етказди. Шуниси диққатга сазоворки, бу йил ишлаб чиқаришнинг ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

● МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ СОҒЛИҒИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

ГАВАНА. Революция ғалаба қозонгандан кейин ўтган 20 йил мобайнида Куба соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришда ажойиб муваффақиятларга эришди. Даволаш ва профилактика медицина муассасаларининг кенг тармоғи вужудга келтирилди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 251 та катта касалхона, 370 дан ортиқ поликлиника, 129 та стоматологик клиника ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилиги халқ ҳокимияти йиллари мобайнида қурилган.

Янги даволаш муассасалари қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Гуантанамо вилоятида 630 ўринли клиника қурилиши ниҳоясига етди. Бу клиника энг янги медицина асбоб-ускуналари билан қуроллантирилади. Давлат шу беш йилликда медицина қурилиш эҳтиёжлари учун 200 миллион песодан кўп маблағ ажратди. Кубада қарийб 15 минг врач бор. Шулардан 13 минг киши халқ ҳокимияти даврида таълим олган.

Ҳозирги вақтда Кубанинг бир мингдан ортиқ интернационалист медиклари жаҳондаги 20 мамлакатда, шу жумладан Жазоир, Ангола, Ирок, Никарагуа ва Вьетнамда меҳнат қилмоқдалар.

(ТАСС).



Экономика, фан ва маданиятнинг турли соҳаларидаги Совет — Финляндия апоқаларн муваффақиятли ривожланмоқда. Яқинда «Крузенштерн» ўқув кемаси дўстона визит билан Хельсинки портида бўлди (суратда). Финляндия пойтахти аҳолиси ана шу кеманинг бортида бўлиб, совет денгизчиларининг ўқув тайёргарлиги билан танишдилар.

В. Дубиль фотоси. (ТАСС фотохроникаси)

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОБУЛ. Бу ердаги Халқ уйида Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлди. Унда бўлажак умумий мажлисинг иши масаласи муҳокама қилинди. Бу мажлисда революцияни ҳимоя этувчи миллий ташкилот тузилади, унинг раҳбар органлари сайланади.

Кобул радиосининг хабар беришича, Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари республиканинг янги конституциясини тайёрлаш масалаларини ҳам муҳокама қилганлар.

ҚУВАЙТ. Саудия Арабистонидаги Захран шаҳридаги нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотининг аъзоси бўлган давлатлар нефть министрларининг учрашуви бошланди. Эрон, Саудия Арабистони, Қувайт, Ироқ, Венесуэла намояндалари нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотининг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш ва ана шу ташкилотнинг 17 декабрь куни Каракасда очиладиган конференциясига тайёргарлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар.

ТЕҲРОН. Эронда чиқадиган «Бомдод» газетасининг хабар беришича, Эроннинг марказий банки Америка доллари билан барча молиявий операцияларни тўхтатиш тўғрисида мамлакатдаги барча банкларга фармойиш берган.

«Жумҳурие исломия» газетасининг хабар беришича, Эрон АҚШдан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишдан ҳам воз кечди.

ИСЛОМОБОД. Полиция билан бўлган қаттиқ тўқнашувлардан кейин Покистон пойтахтида 50 дан кўпроқ студент қамоққа олинди. Олий ўқув юртлари студентларидан қарийб 1000 киши Исломобод кўчаларига чиқишди. Улар 21 ноябрь куни АҚШ элчихонасини штурм қилиш вақтида ўлдирилган студентнинг онласига нафақа тўлашни маъмурлардан ва Америка Қўшма Штатларидан талаб қилишди.

БОГДОД. Ироқнинг Басра шаҳрида медицина институтининг янги биноси пойдеворига дастлабки ғишт қўйилди. Бу институтда кенг, ёруғ аудиториялар, қироатхонали кутубхона, замонавий ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар бўлади.

Янги ўқув юрти биноси қуриб бўлингач, ҳозиргидан кўра кўпроқ студентни қабул қилиши мумкин.

(ТАСС).

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ТЕВАРАГИДА

ТЕҲРОН, 3 декабрь. (ТАСС). Эрон Ислом революцион кенгаши «Миллий сафарбарлик штаби» тузилганини эълон қилди, деб хабар беради Теҳрон радиоси. Унинг составига қуролли кучларнинг «Ислом революцияси посбонлари» корпусиниг ва министрликларнинг вакиллари киритилди. Маълумки, илгари оятилло Хумайни Эрон халқини АҚШ томонидан эҳтимол тутилган ҳарбий аралашувга зарба бериш мақсадида Эроннинг жамики ҳарбий ва иқтисодий ресурсларини сафарбар этишга чақирган эди.

НЬЮ-ЙОРК, 3 декабрь. (ТАСС). ЮПИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, АҚШ 7-флотининг байроқдор «Блю риж» кемаси кеча тонг саҳарда шу флотнинг Йокосукадаги базасидан чиқиб кетди. АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг вакили «Блю риж» қайси томонга ва нима учун йўл олганини аниқ айтишдан бош тортди. ЮПИ агентлигининг изоҳига кўра, «Блю риж» ҳозир АҚШнинг Ҳинд океанида турган ҳарбий кемалари группасига қўшилган. Матбуотнинг хабарларига кўра, ҳозирги вақтда Америка ҳарбий денгиз кучларининг 21 та кемаси, шу жумладан бир неча авионосец Эрон соҳилларига бевосита яқин жойда турибди. Бу авианосецларда 350 тага яқин жанговар самолёт жойлаштирилган, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси.

Ҳозирги тангликни жаҳон ҳамжамиятининг манфаатлари йўлида совуққон ва вазминлик билангина қониқарли равишда ҳал этиш мумкинлиги равшан бўлишига қарамай, Эронга ана шундай қўпол тазйиқ ўтказиш чоралари кўрилмоқда. Можарони қўпол кучдан фойдаланиш йўли билан «жадал ҳал этиш» йўлидаги уринишлар эса жуда хатарли оқибатлар келтириб чиқаради.

Эрон ташқи ишлар министрининг БМТ Бош секретарига ёзган хати бу ерда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳужжати сифатида эълон қилинди. Хатда айтиладики, Америка империализми ва халқаро сионизм «Қўшма Штатларда эронлик унсурлар деб аталган кимсалар террорчилик ҳаракатлари қилиши мумкин» деган овозалар тарқатиб, Эронга қарши янги фитна уюштиришни мўлжалламоқда.

Бундай овозлар Америка афкор оммасини чалғитиш, америкаликларнинг позиционий туйғуларига таъсир қилиш ва шу йўл билан империализм ва сионизмнинг халқаро майдондаги жиноятконона ҳаракатларини давом эттиришини оқлаш мақсадида тарқатилаётганлиги мутлақо равшан, деб таъкидланади ҳужжатда.

ВАШИНГТОН, 3 декабрь. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетаси АҚШда турган Эрон собиқ шоҳининг Нью-Йоркдан Техас штатидаги ҳарбий госпиталга кўчирилиши хусусида ёзиб, «Президент Ж. Картер шоҳга ҳарбий ҳаво кучларининг Сан-Антониодаги госпиталидан вақтинча бошпана бер-ди ва башарти, чет элда унга маъбур бўладиган бошқа жой топилмаса, доимий бошпана бериш имкониятини очиқ қолдирди», деб ўқитади.

АҚШ давлат департаментининг расмий вакили эса АҚШ Эрон шоҳини «ҳеч қачон тутиб бермейди» деб қатъий тарзда айтди.

САН-ФРАНЦИСКО, 3 декабрь. (ТАСС). Америкининг таниқли сенатори Э. Кеннеди Вашингтоннинг Эрон собиқ шоҳи ҳусусидаги позициясини қаттиқ танқид қилди. «Шоҳ инсоният тарихидаги энг шафқатсиз режимлардан бирига бошчилик қилган эди, у энг қалтис пайтларда ўз халқига нисбатан терроризмни ишга солган, инсон ҳуқуқларини бузган эди», деб таъкидлади у. Эрондан сон-саноқсиз миллиардлаб долларни ўғирлаб келган ва бу ерда қолишни истаган инсонни ўз бағрига олиб турган Қўшма Штатларни қандай қилиб оқлаб бўлади?— деди сенатор.

ПРЕЗИДЕНТ МАКТУБИ

Боливия президенти Лидия Гейлер Техада халққа мактуб билан мурожаат қилди. У ўз мактубида мамлакат бошидан кечираётган оғир иқтисодий тангликни бартараф қилиш учун ҳукумат томонидан кўрилаётган тадбирларни тушунтириб берди.

Бу тадбирлар, деди у, эвалги ҳукуматлар даврида инқирозга юз тутган миллий экономикани юксалтиришни кўзда тутади.

Л. Гейлер Техада Боливия ишчиларини мамлакат олдида турган зарур вазифаларни ҳал этишда ҳукуматни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Янги иқтисодий программага мувофиқ мамлакатда миллий пул бирлиги — песо Америка долларига нисбатан 25 процент девальвация қилинди. Бензин ва ёқилғи-мойлаш материалларининг нархи қарийб икки баравар ошди, транспорт тарифлари ғоят қимматлашиб кетди.

Бир қанча сиёсий партиялар, мамлакатдаги энг йирик касаба союз бирлашмаси — Боливия ишчи маркази иқтисодий тадбирларни маъқуллаётганлигини изҳор қилдилар ва бу тадбирлар кифоя эмас деб таъкидладилар.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХИЗМАТИДА ЯРИМ АСР

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси 50 ёшга тўлди. Мазкур академиянинг 3 декабрь куни Москвадаги Союзлар уйининг Колонна залида очилган юбилей сессияси ана шу шонли воқеага бағишланди. Сессияда олимлар, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари, чет эллик меҳмонлар, дала ва фермаларнинг меҳнаткашлари иштирок этмоқдалар.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев сессияда нутқ сўзлади. У қишлоқ хўжалик фанини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ҳамда ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан В. И. Ленин номли Қишлоқ хўжалик фанлари академиясини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттирди ва йиғилиш аҳлининг давомли қарсаклари остида мукофотни академия байроғига қадаб қўйди.

Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг биринчи вице-президенти А. А. Созинов академиянинг фаолиятига юксак баҳо берилганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукуматига академия коллективи номидан астойдил миннатдорчилик изҳор қилди. У партия билан ҳукуматга ваъда бериб, айтдики, олимлар қишлоқ хўжалик фанини янада ривожлантириш учун бундан буён ҳам бутун кучларини сарфлайверадилар.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг намояндалари В. И. Ленин номли Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг 50 йиллик юбилейи ҳамда муносиб мукофот билан муборакбод қилдилар.

(ТАСС мухбири).

А. А. ГРОМИКО ЭЛЧИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 3 декабрь куни Канаданинг Совет Иттифоқидаги элчиси Р. Фордни қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи бир халқаро проблемалар, шунингдек СССР билан Канада ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари тилга олинди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТАДИГАН ОЗАРБАЙЖОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

ҚАРДОШЛИК КУЙЧИСИ

Халил Ризо бугунги Озарбайжон адабиётининг таниқли шоирларидан биридир. У адабиёт майдонига кириб келгандан бери буюк социалистик Ватанимизни, гуманистик ғояларимизни, совет кишиларининг маънавий қудратини тараннум этувчи диққатга сазовор асарлар яратди. Шоир ўз асарларида кишини гўзал бир мақсад сари интилишга, маъноли ва мардона яшашга чақиради.

Халил Ризо ижодида халқлар дўстлигини тараннум этиш мотивлари кенг ўрин тутади. «Қардошлик дунёсида» шеърий туркуми шу жиҳатдан диққатга сазовордир. Мазкур туркумни ташкил қилувчи шеърлар орасида серқуёш Ўзбекистонимизни, унинг меҳнатсевар кишиларини мадҳ этувчи асарлар ҳам бор.

У бир қатор ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларини ўз она тилига таржима қилган. Озарбайжон ўқувчилари шоир ва олим Х. Ризо таржимасида Ғ. Ғулом, М. Шайхзода, Зулфия, А. Орипов каби ўзбек шоирларининг асарларини ўқиб келмоқдалар. Х. Ризо ўзбек адабиёти намуналаридан қилган ажойиб таржималари билан халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Халил РИЗО

НИЗОМИЙ

Карвоннинг бир учи Ленинградда,
Бир учи Ганжада, бири сарҳадда
Ғарбу Шарқ, қаттоки фалак, албатта
Жойлашур сен каби дилга, Низомий.

Кўрдим бир ўзбекни, ихлосманд ўғлон,
Бошида дўппи-ю эгнида чопон.
Сенинг маҳбарангга етишган замон
Тушди ялангоёқ йўлга, Низомий.

Таваллуд топгансан Ганжабосарда,
Номинг жаҳон кезар, ҳокинг мозорда.
Башар дурдонаси — ўлмас асарда
Сўнмас ҳаёт бердинг бир чўлга,
Низомий.

Сенга сиғинувчи бир менми танҳо,
Фақат Москва-ю Бокумикин ё!
Бошингга коинот сочмоқда зиё,
Айландинг гулшанда гулга, Низомий.

Замон ҳеч айлади тождорларни,
Ювиқсиз подшо-ю ҳукмдорларни
Ва лекин Сен каби санъаткорларни
Шоҳ этди Муғону Милга, Низомий.

Саккиз аср сенинг пойингда ётар
«Сирлар хазинаси» соҳиб бир асар.
Фузулий шаклида қайтдинг бир сафар
Онанг алла айтган тилга, Низомий.

Ётти иқлим оқар Ватанинг томон,
Юлдузлар ҳам боқар Ватанинг томон,
Неча асрларга обрўсан шоён,
Пешвосан, шуҳратсан элга, Низомий.

Қўноқлар тушмоқда қизил қатордан,[1]
Қўлларида чечак неча гулзордан,
Гар бошинг кўтарсанг мармар мозордан
Кўрардинг — эл менгзар селга,
Низомий.

[1] Қатор — поезд маъносида.

ЮРТИМ УЧУН

Бир мажлисда унутилдим.
Май ичдилар ҳар келганнинг
соғлиғига,
Ҳар кетганнинг соғлиғига.
Май ичдилар
Соҳилига бизлар қўнган
Мовий кўлнинг соғлиғига.

Май келтирган шўх гўзалнинг
соғлиғига,
Гулшандаги қизил гулнинг соғлиғига,
Хуш қадамли ойнинг, йилнинг
соғлиғига.

Май ичдилар...
Пичирладим ўз-ўзимга
Эй дўст, сенинг соғлиғингга!
Тўртта уммон қуршаб олган
Буюк элнинг соғлиғига,
Соволону Қўчқор каби
Юксак тоғлар соғлиғига,
Боққанингда ҳавас қўзғар
Сочи оқлар соғлиғига.
Ўттиз йиллик курашларда
Бир асрлик йўл кечдинг сен,
Лекин ортга қайтганинг йўқ.
Бировларга қул бўлмадинг,
Қулдек қуллик айтганинг йўқ.
Боса-боса лабимга бу пиёлани,
Ичаман ол шалолани
Эй дўст, сенинг соғлигинга.
Сен шундайин бургутсанки,
Учмоғинг бор, қўнмоғинг йўқ.
Сен шундайин ўчоқсанки,
Ёнмоғинг бор, сўнмоғинг йўқ.
Сен шундайин йўлчисанки,
Маслагингдан қайтмоғинг йўқ.
Бировларнинг шавкатини
Кўриб узр айтмоғинг йўқ...
Кечирсинлар дўстлар мени,
Май тўла бу пиёлани
Ичдим сенинг соғлигингга,
Юртим, сенинг соғлигингга.

Абдулла ОРИПОВ таржимаси.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ЧИН ҚАЛБДАН ТАШАККУР

Михаил Михайлович КРАСНОВ,

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги Бутуниттифоқ кўз касалликлари илмий-тадқиқот институтининг директори, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, Бутуниттифоқ офтальмологлар жамияти раисининг ўринбосари, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони:

— Қуёшли Ўзбекистон пойтахтида офтальмологларнинг V Бутуниттифоқ съездининг ўтказилиши ғоят қувончли дамларга тўғри келди. Тошкентликлар биринчи марта меҳмон кутиб олишаётгани йўқ. Бунгача ҳам бу дўстлик шаҳрида қанчадан қанча илмий анжуманлар, турли миллат фарзандларининг дўстона учрашувлари бўлиб ўтган. Бугунги анжуманни ҳам ана шундай анъаналарнинг давоми дегим келади.

Ўзбекистон ўзининг пахтакор диёрлиги билангина эмас, айни пайтда йирик фан арбоблари, забардаст олимлари, турли соҳадаги заҳматкаш зиёлилари билан ҳам машҳур. Кейинги йилларда бу ўлкадан кўплаб офтальмологлар — инсон саломатлиги учун фидойи медицина олимлари, кўз врачлари етишиб чиқди. Уларнинг аксарияти Ватанимиз пойтахти — Москвада таҳсил олиб қайтишган, ҳозирги кунда кўз касалликларига қарши кураш олиб боришда самарали меҳнат қилишмоқда.

Ҳозирги кунда офтальмологлар олдида ниҳоятда муҳим масалалар турибди. Шулардан бири микрохирургия усулидир. Офтальмологияда микрохирургиядан ниҳоятда унумли фойдаланиш, кўз касалликларига қарши курашда уни кенг қўлланиш кўз шифокорларидан катта билим ва юксак маҳорат талаб қилади. Шунинг учун ҳам микрохирургияни атрофлича ўрганиш кўз шифокорлари учун ниҳоятда зарур. Чунки бу усулнинг медицина амалиётида қўлланиши кўз жарроҳлигида тубдан бурилиш ясади.

Мамлакатимиз офтальмологларининг Тошкентда ўтаётган V Бутуниттифоқ съездининг куни тартиби медицинанинг шу соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган муҳим масалалар жой олганлиги билан алоҳида аҳамиятлиб туради. Бизнинг вазифамиз ҳозирги замон микрохирургияси қўлга киритган муваффақиятларни амалиётда янада кенгроқ қўлланилишига эришишдан иборат. Бу масала съездда бир неча бор қайд қилиб ўтилди.

Серқуёш диёрингизга келаётириб, самолётда ўзбекистонликларнинг катта меҳнат ғалабасига эришганликлари ҳақидаги хушхабарни эшитиб қолдим. Ўзбекистонлик пахтакорлар пахтачиликда катта ғалабани қўлга киритишди. Шундай ноқулай келган об-ҳаво шароитида ҳам улар 5 миллион 700 минг тоннаник улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этганликларидан ғоятда қувониб кетдим. Пахтакорларга бундан кейинги ишларида ҳам чин қалбдан улкан муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилайман!

ЭРТАКНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Таниқли кинорежиссёр Латиф Файзиев эллик ёшга тўлди. Қарийб ўттиз йиллик ижодий фаолияти давомида у «Бой илғ хизматчи», «Қутлуғ қон», «Амирликнинг емирилиши», «Улуғбек юлдузи» сингари ўнлаб ажойиб асарлар яратди-ки, булар унинг номини элга танитди. 1957 йили Л. Файзиев Туркистонда биринчи дорилфунуннинг очилиши ҳақида ҳикоя қилувчи «Ленин йўлланмаси билан» фильмини суратга олди. Фильм Ўрта Осиё киноси тарихида улуғ доҳий В. И. Ленин образини яратишда дебоча бўлди.

Латиф Файзиев қутлуғ эллик ёшини янги асар билан қарши олди. «Али бобо ва қирқ қароқчи саргузашти» бадиий фильми устидаги ишини ниҳоясига етказди. Маълумки, бу асар совет ва ҳинд кинематографчилари ҳамкорлигида юзага келди.

Яқинда мухбиримиз Ўзбекистон ССР халқ артисти, кинорежиссёр **Латиф Файзиев** билан учрашиб, унинг янги асари ҳамда фильмнинг яратилишига доир бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Латиф Обидович! Шу пайтгача Сиз асосан замонавий ҳамда тарихий мавзуларда асарлар яратган эдингиз. Шу маънода «Али бобо ва қирқ қароқчи саргузашти» фильмига қўл урганингизни қандай изоҳлаш керак?

— Бир неча йил муқаддам биз Ҳиндистоннинг «Иглз фильмз» фирмаси билан ҳамкорликда «Ганг узра тонг» картинасини суратга олган эдик. Иш ошилай бошлагач, фирма президентига ҳамкорликда янги, замонавий мавзуда асар яратиш истагимиз борлигини айтдик. Ё Бобир ҳақида ёки эртак-фильм яратишни таклиф этишди. Ўша кезларда мен Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг қадами теккан, у яшаб ижод қилган, улуғвор ишларни амалга оширган қўпгина жойларда бўлгандим. Буларни кўриб, Бобир ҳақидаги фильм устида ишлашга бел боғладим. Лекин икки халқ фарзанди — ҳам шоҳ, ҳам шоир бўлган Бобирдек мураккаб тақдирли шахс ҳақида кўнгилдагидек асар яратишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис олдин халқ оғзаки ижодига қўл уриш маъқулдек кўринди. Хуллас, «Иглз фильмз» фирмаси президенти Ф. С. Мехрида билан Али бобо ҳақидаги эртак-фильмни ҳамкорликда яратишни келишиб олдик.

Совет ва ҳинд кинематографчиларига ҳам бу ғоя жуда маъқул тушди. Шу тариқа тўрт йилча илгари «Али бобо ва қирқ қароқчи саргузашти» фильми устида иш бошладик. Аввалига биз фильм сценарийсининг бир неча вариантларини муҳокама қилдик. Сценарийчиларимиз ҳам «Минг бир кеча» эртакларини «сув қилиб ичдилар», десам хато бўлмас. Кейин фильмни суратга олиш бошланди...

— «Али бобо ва қирқ қароқчи саргузашти» фильмига қадар япон, ҳинд кинематографчилари ҳам шу мавзуда асарлар яратишганди. Ёки, бу «ишланган» тема эди. Сизнинг ҳам айнан шу эртакка мурожаат қилишингизнинг сабаби нимада?

— Аввало, Али бобо ҳақидаги эртак «Минг бир кеча» эртаклари орасида бир қадар ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Унда афсонавийлик кам. Қолаверса, эртак воқеалари ҳам Хуросон мамлакатида «кечади». Бу эса мусқорчилиги, мусиқаси, турмуши ҳамда либоси ўлкамизникига яқин бўлмиш Али бобога дахлдор қатор лавҳаларни Бухорода, Тожикистон тоғлари қўйнида суратга олиш имкониятини туғдирди. Биз фильм устида ҳинд режиссёри Умеш Меҳра билан ҳамкорликда ишладик. Айрим кўринишлар муҳташам ва сеҳркор Маҳараж саройи қад кўтариб турган, ҳалиям кўплаб филлар юргувчи қадимий ҳинд шаҳри — Жайпурда суратга туширилди.

«Али бобо ва қирқ қароқчи саргузашти» ҳақида яна нима дейишим мумкин? Фильмда шундай бир манзара бор: Чексиз-чегарасиз чўлу биёбонда карвон келаётир. Араб қизи Фотима ҳам шу карвонда отаси билан афсонавий Гулобод шаҳрига ошиқмоқда. Бир маҳал уларнинг карвонини қароқчилар босади, талайди. Отаболани ҳам қирқ қароқчи асир олади. Қароқчилар бошлиғи Абу Ҳасан қувонганидан терисига сиғмайди. Бунинг сабаби бор. Гап ўлжада эмас. Йўқ. У бугун алланарсани халтага солиб портлатадиган, шу йўсинда душманнинг устига олов ёғдира оладиган ота-болани қўлга туширган эди-да. У чўлдан мана шу сирни ўрганишни, сўнгра Гулободдек кўркам ва мафтункор шаҳарни харобага айлантиришда, уч аҳлод меҳнати сингган сув тўғонининг кулини кўкка совуришда, қароқчиликда... бу даҳшатли қуролдан фойдаланишни ҳаёл қилади! Ота-бола сирни айтсалар омон қолишади. Бошқача гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Лекин Абу Ҳасаннинг қабиҳ ниятини фаҳмлаган чол ўз жонига қасд қилади. Хуллас, Абу Ҳасан қора ниятига эришолмайди!..

«Али бобо ва қирқ қароқчи саргузашти»да мана шу жиҳатларга кўпроқ диққатни қаратдик. Унинг ижтимоий аҳамиятини кучайтиришга интилдик. Менимча, фильм япон, ҳинд кинематографчиларининг асарларидан шу томонлари билан ажралиб туради.

— Латиф Обидович! Ҳиндистонлик ҳамкасбингиз, фильмнинг постановкачи-режиссёри Умеш Меҳра: «ҳинд фильмлари табиат бўёқларига, совет фильмлари ижтимоий бўёқларга бой» бўлишини таъкидлаган эди. Ҳинд актёрлари қаҳрамонининг ички дунёсини очишда асосан ҳаракат ифодасига таянишади. Бизда эса кўпроқ ҳолатга эътибор қаратилади. Ҳамкорликдаги иш жараёнида бу хусусиятлар қийинчилик туғдирмадими?

— Албатта, ҳар қандай фильм ёки бадиий асар қийинчиликсиз, ўз-ўзидан юзага келмайди. Биз воқеалар оқимига қараб - хилма-хил усулларни синаб кўрдик. Кези келганда табиат бўёқларига, ўз ўрнида ҳаракат ифодасига, жойи билан ҳолат ифодасига «ургу» бердик. Айрим ўринларда томошабин қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларида ҳинд руҳини аён сезса, ажаб эмас. Фильмни суратга олаётиб, ҳинд кино санъатининг анъаналаридан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Масалан, фильмда бир неча қўшиқ ва рақс ижро этилади. Машҳур ҳинд хонандаси Лата Мангешкарнинг оҳанрабо қўшиқлари асарнинг таъсир кучини оширса, томошабин қалбида қаяҳон уйғотса ажаб эмас. Умуман олганда, «Али бобо ва қирқ қароқчи саргузашти»да икки мамлакат киносанъати бой тажрибаларидан қўлимиздан келганча фойдаланишга интилдик. Шу ўринда мен фильм ижодкорларидан режиссёр Умеш Меҳранинг хизматларини, Дхармендра, Хема Малини, Зиннат Аман сингари таниқли ҳинд санъаткорларининг ажойиб ижрочилик маҳоратларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Ҳа, фильмни интернационал группа яратди. Таниқли рус актёри Ролан Биков, Арманистон ССР халқ артисти Фрунзик Мкртчян, Грузия ССР халқ артисти Софико Чиаурели, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳожидурди Норлиев, шунингдек мамлакатимизнинг қатор таниқли актёрлари фильмни яратишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.



— Келгусидаги режаларингиз ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берсангиз.

— Яқин кунлар ичида янги асар устида иш бошлайман. Бу фильмда ўтган асрда Афғонистон ва Россия ўртасидаги дўстона алоқаларнинг бошланиши, Кобулга биринчи рус миссияси келиши ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, Умар Ҳайём, Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳақида ҳам фильмлар яратиш истаги мени кўпдан буён безовта қилиб келади. Уларнинг драматизмга бой мураккаб тақдирларини экранга олиб чиқсам дейман. Зотан, Чингиз Айтматов айтганидек, минг йиллар аввалги тарихдан бугунги кунга ҳамоҳанг бирон ҳодисани танлаб олиш мумкин. Фақат битта шарти бор, минг йиллар аввалги бу ҳодиса бугунги кунга хизмат қилсин.

«Али бобо ва қирқ қароқчи саргузашти» фильмидан кадрлар. Суратларда: 1. Фотиманинг отаси — ҳинд актёри М. Пури. 2. Али бобо — машҳур ҳинд актёри Дхармендра. 3. Фильмни суратга олиш жараёни. Чапда кинорежиссёр Л. Файзиев. Унгда карвонбоши — Грузия ССР халқ артисти Фрунзик Мкртчян.

СПОРТ

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон ССР курашчилари терма командасининг Непал пойтахти — Катмандуда ўтказилган биринчи кўргазмали чиқишлари катта муваффақият билан ўтди. Улар бу ерга Непал спорт ишлари миллий кенгашининг таклифига биноан келгандилар. Совет классик ва эркин кураши, дзюдо кураши усталарининг маҳорати билан танишгани келган кўплаб томошабинлар Катманду спорт комплекси залига тўпланишди. Айниқса, самбочиларнинг кўргазмали беллашуви катта қизиқиш уйғотди, чунки курашнинг бу тури Непалда мутлақо маълум эмасди.

Ўзбек спортчилари келишидан анча олдиноқ марказий газеталар бўлажак кўргазмали чиқишлар ҳақидаги хабарларни эълон қила бошлади. Кўргазмали беллашувларда қатнашувчи халқаро классдаги мастерлар Александр Долженко, Камил Ибатулин, Гаффор Останаев ва бошқа курашчиларнинг (улар турли халқаро мусобақаларда бир неча марта ғолиб чиқишган) номи пойтахт спорт жамоатчилигини ўзига жалб этмоқда.

Катманду спорт ишқибозлари ўртоқлик учрашувлари, кўргазмали мусобақалар ўтказиш учун Непалга келган совет футболчилари ва волейболчиларини, гимнастикачиларини ва спортнинг бошқа турлари намояндаларини кейинги йилларда бир неча марта олқишлаганлар. Непал спорт делегациялари ҳам СССРга бир неча марта келиб кетган.

«Непал жамоатчилиги ишқибозларни совет кураш мактаби билан биринчи марта таништираётган СССР спортчиларини шоду-хуррамлик билан кутиб олишмоқда», — деди Непал спорт ишлари миллий кенгашининг секретари Ч. Ш. Шаха Ўзбекистон ССР терма командаси билан учрашувда. Маданият ва спорт соҳасидаги алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётганлиги Непал ва СССР ўртасида дўстона муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб таъкидлади у. Ч. Ш. Шаха Непал билан учрашув совет курашчиларида Совет Иттифоқига борган непаллик спортчиларда қолдиргани каби ажойиб таассурот қолдиради, деб умид билдирди.

Ўзбекистонлик полвонлар Непалда 10 кун бўлиб, бир неча беллашувларни намойиш этишади.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Москва эркаклар терма командаси Лейпцигдаги халқаро волейбол турнирида ғалаба қозонди. Москваликлар — МАСК волейболчилари якунловчи кун турнир мезбонлари — Лейпциг спортчилари устидан 3:1 (15:1, 13:15, 15:4, 15:10) ҳисобида устунликка эришдилар.

Иккинчи ўрин Бухарест терма командасига тегди. Кейинги ўринларни София, Лейпциг, Берлин, Гавана командалари олишди.

Газеталар Москва волейболчиларининг маҳоратини таъкидлашар экан, СССР терма командасининг аъзолари, жаҳон ва Европа чемпионлари, Савин, Кондра, Молибога, Лоор ва Полишчукларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқдалар.

ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ

Андижоннинг чеккасида спорт комплекси қурила бошланди. Бу ерда волейбол майдонлари, югириш йўлкалари, спорт зали бўлган стадион қуриш, шунингдек суви ситилиб турадиган усти ёпиқ ҳовуз қуриш мўлжалланади.

Территориясида дам олиш зонаси жойлаштирилаётган адир ерлар ўзлаштирила бошланганига уч йил бўлди. Шу вақт ичида бу ерда 200 минг тупга яқин мева дарахти, писта, ёнғоқ, чинор, арча кўчатлари ўтказилди. Меҳмонхона қад кўтарди, хушманзара тепаликлардан бирида «Ветерок» кафеси қурилди.

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ўсмирлар ижоди. 10.40 — Камертон. Бадиий фильм, 1-серия. 11.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.45 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Т. Калинина куйлайди. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Звёздочка. 16.55 — Рус тили. 17.25 — Концерт. 18.00 — Горнчилар, қаердасиз! 18.30 — Қишлоқ кооперацияси. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильмлар. 20.00 — Б. Тихонов чалади. 20.20 — Камертон. Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг катта симфоник оркестри Сибирдаги совет музикаси фестивалида. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Фильм-концерт. 11.55 — Довулдан кучли. Бадиий фильм. 18.20 — Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Турмуш ва маданият. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Улар фақат афтидан танир эдилар. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

19.10 — Яшил ракета. Фильм. 19.25 — Реклама. 19.30 — Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида. 20.05 — Янгиликлар.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — С. Зоҳидов ва Т. Муродов куйлайди. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвачилик комплекслари — давр талаби. 13.30 — Кинофильмлардан куйлар. 14.00 — Техникага алоҳида эътибор берайлик. 18.15 — Ўзбекистан спортивний. 19.20 — Офтальмологлар V Бутуниттифоқ съезди қатнашчиларининг давра суҳбати. 19.45 — Навоий газаллари билан айтиладиган романслар. 20.20 — Эстрада қўшиқлари. 21.00 — Бунёдкорлар туркумидан. 21.10 — Адабий ўқишлар. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун кечки концерт. 22.28 — Э. Воҳидов лирикаси. 23.20 — Дам олиш соатида.

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент областидаги шаҳарлар ва район марказларига шаҳарлараро автомат телефон алоқасига чиқиш тартибини маълум қиламиз (янги уланган йўналишларни ҳисобга олган ҳолда):

Шаҳар ёки район марказининг номи	Код	Чақирилаётган абонентнинг телефон номери	Справка бюроси
Оққўрғон	255	91xxx	91222
Олмалиқ	2610	xxxx	2222
Ангрен	2660	xxxx	2222
Оҳангарон	2640	xxxx	
Бекобод	2910	xxxx	2222
Бўка	257	35xxx	
Ғазалкент	274	21xxx	21409
Гулбаҳор	258	76xxx	
Зафар	293	21xxx	21222
Калинин	297	54xxx	
Пискент	254	96xxx	96260
Солдатск	256	72xxx	72222
Тўйтепа	276	xxxxx	21222, 21209
Чиноз	259	21xxx	21300
Чирчиқ	271	xxxxx	52222
Янгийўл	2600	xxxx	2222
Янгибозор	298	91xxx	91013

Жадвалдаги xxx белгиларининг сони чақирилаётган абонент телефон номеридаги рақамлар сонини билдиради.

Эътиборингизни шунга жалб қиламизки, бир қатор район марказларида абонентларнинг телефон номерлари уч рақамдан беш рақамига ўзгартирилди.

Учинчи устунда уч рақамли телефон номери олдидан қўшимча рақамлар кўрсатилган.

Мисол: Оққўрғондаги «315» телефон номерига қўнғироқ қилиш учун «8 рақами»ни узлуксиз гудокдан кейин қаторасига 25591315 рақамларини теришингиз зарур.

Республика шаҳарлараро телефон станциясида Андижон областининг район марказларига янги автомат телефон алоқаси йўналишлари очилди:

Район марказининг номи	Район марказининг коди	Чақирилаётган абонентнинг телефон номери	Шаҳар справка бюросининг телефон номери
Қўрғонтепа	37472	xxxxx	12222
Пайтўғ	37431	xxxxx	22222
Хўжаобод	37474	xxxxx	12222
Шаҳрихон	37434	xxxxx	22222

Мисол: Шаҳрихондаги 2-22-22 телефон номерига қўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз «8» рақамини ва узлуксиз гудокдан кейин қаторасига 3743422222 рақамларини теришингиз зарур.

Ростов-Дон шаҳрида қуйидаги АТСлар абонентларининг телефон номерлари беш рақамлидан олти рақамлига ўзгартирилди:

беш рақамли 6xxxx номери 66xxxxга
5xxxx номери 65xxxxга
7xxxx номери 57xxxxга
1xxxx номери 31xxxxга ўзгарди.

Мисол: эски 6-24-17 номери 66-24-17 га ўзгартирилди. Советлар уйининг олти рақамли 93xxxx телефон номерлари 63xxxxга ўзгартирилди.

Мисол: эски 93-62-36 номери 63-62-36 га ўзгарди.

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/XII да **Пиковая дама.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/XII да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/XII да **Зеби-зебона.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **янги программа. «ҲИНДФИЛЛАРИ»** йирик совет аттракционининг гастроллари (19.30).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси коллегияси ва коллективи «Ўзгипроплодоовощвинпром» институтининг директори А. Т. Тўрабоевага онаси

Софья Анатольевна ТУРАБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45 32-53-04 редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси— 32-53-76 қалқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14 32-54-09 қишлоқ хўжалиги — 33-76-04 32-53-15 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51 32-57-21 32-54-24 ахборот ва спорт — 33-14-24 32-55-17 32-54-26, 32-54-27 хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43 33-35-53 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22 коммунистик тарбия — 32-54-29 стенографистка — 33-73-43 32-54-05 жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери —32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02326. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64585. Е. — 279. 7